Annotation. In this article, the author dwells on the history of information carriers. As a result of the research, the author reflected his scientific approach by studying foreign experience. Important moments in the history of traditional media before electronic media and their role in the archival industry are analyzed. When studying the issue of preserving documents in an organization or departmental archives, the author took into account the existing material, technical and personnel capabilities of the archives. One of these global questions: is it necessary to completely abandon traditional media, such as paper, and create information only on electronic media?

Key words: Paper, Samarkand paper, document, electronic document, electronic copy of documents, document storage, processes and technologies for working with documents, archive, electronic archive.

Аннотация. В данной статье автор останавливается на истории носителей информации. В результате исследований автор отразил свой научный подход, изучив зарубежный опыт. Анализируются важные моменты истории традиционных носителей до электронных носителей и роль их в архивной отрасли. При изучении вопроса сохранения документов в организации или ведомственных архивах автор учел существующие материально-технические и кадровые возможности архивов. Один из этих глобальных вопросов: нужно ли полностью отказаться от традиционного носителя, например, как бумага и создавать информацию только на электронных носителях.

Ключевые слова: Бумага, Самаркандская бумага, документ, электронный документ, электронная копия документов, хранение документов, процессы и технологии работы с документами, архив, электронный архив.

Ахборотни сақлаш ҳар доим жамият учун муҳим вазифа бўлиб келган. Инсоният яралгандан бери ўз ҳаётий тажрибаларига оид ахборот маълумотларни келажак авлодга етказиш чора-тадбирларини кўрган. Нутқ ва ёзув маданияти шаклланмаган бир пайтда уларни турли усуллар орқали сақлашган. Ахборот ташувчиси деганда жисмоний оламнинг ҳар қандай объекти ёки маълумотларни ёзиб олиш, сақлаш, ўқиш ва узатиш мумкин бўлган тизимли муҳит тушунилади. Ҳар бир цивилизациялар даврида ахборотни сақлашнинг ўзига хос усулиги мавжуд бўлиб, ушбу мақсадларда турли табиий воситалардан фойдаланилган.

Инсон ўзининг ривожланиши жараёнида ахборотни жисмоний воситаларга туширишни ўрганди. Қадим замонлардан бери инсон қандайдир ташқи объектда ахборот қолдиришга интилган, чунки у ўз бошида бундай катта ҳажмдаги ахборотларни сақлашга қодир эмас. Ахборотни сақлашнинг илк воситалари милоддан аввалги 40-10 минг йилликларда, қоятошлар-ғорларнинг деворлари ҳисобланган. Қоятош расмлари ва петроглифларида (юнонча petros – тош, glife – ўйиш) ҳайвонлар, ов ва кундалик манзаралар тасвирланган. Аслида, ғор расмлари ахборотни етказиш учун мўлжалланганми, оддий безак сифатида хизмат қилганми, бу функцияларни бирлаштирганми ёки умуман бошқа нарса учун керакми, аниқ маълум эмас. Бироқ, булар ҳозирда маълум бўлган энг қадимги ахборот ташувчи воситалари

Инсон ўзининг ривожланиши жараёнида ахборотни жисмоний воситаларга туширишни ўрганди. Қадим замонлардан бери инсон қандайдир ташқи объектда ахборот қолдиришга интилган, чунки у ўз бошида бундай катта ҳажмдаги ахборотларни сақлашга қодир эмас

ҳисобланади. Аммо, қадимги ахборот маълумотларни сақлаш борасида археолог ва архившунослар ўртасида кескин баҳс-мунозаралар мавжуд. Яъни, археолог олимлар қоятош тасвирларини археологик манба сифатида эътироф этишса, архившунос мутахассислар уларни ахборот сақлашнинг илк кўринишлари сифатида талқин қилишмоқда. Шу ўрнида архившунос Е.В.Алексеева ўзининг “Архившунослик” қўлланмасида оқ девор ҳужжат ҳисобланмайди, аммо унда қандайдир маълумот қайд этилса, у ҳужжатга айланади. Ушбу қайд этилган маълумот асрлар давомида сақланиб қолади. Тарихчиларга маълумки, кўплаб қоятош манбалар сақланиб қолган деб таъкидлайди[1].

Қадимги ахборот ташувчи воситалар бир-биридан кескин фарқ қилади ва уларни турли мезонларга кўра таснифлаш мумкин. Масалан, келиб чиқишига кўра ахборот ташувчи объектларни табиий ва сунъийларга бўлиш мумкин

Қадимги ахборот ташувчи воситалар бир-биридан кескин фарқ қилади ва уларни турли мезонларга кўра таснифлаш мумкин. Масалан, келиб чиқишига кўра ахборот ташувчи объектларни табиий ва сунъийларга бўлиш мумкин. Табиий ахборот ташувчилар деганда табиатнинг ўзи томонидан яратилганлар тушунилади. Масалан, ҳар хил турдаги қоя тошлардан уларнинг келиб чиқиш даври, улар пайдо бўлган табиий муҳит ва бошқаларни аниқлаш мумкин. Сунъий ахборот ташувчилари деганда инсон томонидан яратилган барча нарсалар тушунилади.

Одамзоднинг ривожланиб бориши баробарида, ахборот ташувчилари ҳам такомиллашиб борди. Қоятошлардан кейинги ахборот ташувчилари манбаларга кўра лой тахтачалар (туппу́м) (милоддан аввалги VII аср) ҳисобланади. Лой ва унинг ҳосилалари (шардлар, керамика) энг қадимги ахборот ташувчи воситалардан бири бўлган. Ҳатто шумерлар ва аккадлар ҳам ясси ғиштли тахтачалар ясаш ва учбурчак таёқчалар билан улар ҳўл бўлганда ёзишиб, қуёшда ёки хумдонда қуртишган. Кейин бир хил таркибдаги тайёр лой тахтачалар михxат китобини яратиш учун ёғоч қутига маълум тартибда жойлаштирилган. Асар номи, муаллиф, эгаси ва ҳомий худоларнинг исмлари ёзилган лойдан ясалган ёрлиқ лавҳалар солинган қутига ёпиштирилган – бу ўзига хос сарлавҳа вазифасини ўтаган. Шунингдек, лойдан каталоглар ясалган – унда сақланган китобларнинг михxат рўйхатлари акс этган. Айнан лой тахтачалар тарихдаги илк кутубхоналарнинг асосини ташкил этган, улардан энг машҳури Ниневия шаҳридаги Ашшурбанапал кутубхонаси (VII аср) бўлиб, унда 30 мингга яқин михxат ёзувидаги лой тахтачалалари топилган.

Қадимда фойдаланилган ахборот ташувчи воситаларидан яна бири мум суртилган тахтачалар ҳисобланади. Ёзув учун тахтачалар (юнонча δέλτος) (милоддан аввалги VII аср) ёғочдан ва фил суягидан таёрланиб, мум суртиларди

Қадимда фойдаланилган ахборот ташувчи воситаларидан яна бири мум суртилган тахтачалар ҳисобланади. Ёзув учун тахтачалар (юнонча δέλτος) (милоддан аввалги VII аср) ёғочдан ва фил суягидан таёрланиб, мум суртиларди. Бу тахтачалардан оссурийлар, юнонлар ва римликлар фойдаланганлар. Ёзиш учун папирусдан амалий фойдаланиш вақт оралиғи мумли тахтачаларга қараганда деярли кенгроқдир.

Қоғоз пайдо бўлишидан олдин, ахборот ташувчи сифатида унинг ўрнини босадиган жуда кўп турли хил материаллар мавжуд эди. Бундай материаллардан бири папирус бўлган. Мисрликлар пирамидалар қурилиши даврларига қадар қамишдан папирус тайёрлашни ўрганиб олган эдилар. Қамишлар Нил дарёси бўйларидаги ботқоқликларда ўсиб, ундан ёзув материали тайёрлашнинг ўзига хос технологияси бўлган. Бугунги кунда маълум бўлган энг қадимги папирус қўлёзмалари милоддан аввалги учинчи минг йиллик бошларига тўғри келади.

Папирус ўрама китоблар яратишга туртки бўлди. Мисрликлар бизгача қолдирган шундай ўрама китоблар қиссалар, ҳисоб-китоб ёзувлари, мураккаб математик масалалар, марҳумларга аталган марсиялар, лирик шеърлар, астрономик кузатувлар, эртаклар, табобатга оид асарлардан иборат. Мисрда энг қадимий кутубхона милоддан олдинги 1300 йилда пойтахт шаҳар Фиванинг яқинида бунёд этилган. Кутобхона Рамзес 11 га қарашли бўлган. Кутубхона пештоқига: “Қалбдармонхонаси” деб ёзиб қўйилган. Эҳромларда сақланадиган бу китобларга коҳинлар бошчилик қилган. Аксарият кутубхоналар таълим маскани бўлган.

Папирус VIII асрда Европа ва Яқин Шарқда асосий ёзув материали сифатида ўз мавқеини йўқота бошлади. Папирус варақлари икки юз йилдан ортиқ сақланмади ва вақт ўтиши билан улар асосий материал сифатида турли ҳайвонларнинг терисидан олинган пергамент билан алмаштирилди. Папируслар бугунги кунда папирусалогия махсус тарих фанининг тадқиқот обеъкти ҳисобланади.

Тарихчи Плинийнинг ёзишича, Миср подшоҳлари Искандария кутубхонасининг ну-

1 Алексеева Е.В. А471 Архивоведение: Учебникдля нач. проф. образования: Учеб, пособие для сред. проф. образования / Е.В.Алексеева, Л. П.Афанасьева, Е.М. Бурова; Под ред. В.П.Козлова. — 3-е изд., доп. — М.: Издательский центр «Академия», 2005. —54 с.

фузини сақлаб қолмоқчи бўлиб, милоддан аввалги II асрда Мисрдан ташқарига папирус экспортини тақиқлаб қўйган. Қадимги дунёнинг иккинчи йирик кутубхонаси бўлган Пергамон кутубхонаси ёзув материалларини ишлаб чиқариш учун муқобил вариантни ишлаб чиқишга мажбур бўлди. Ушбу чорага жавобан пергамликлар янги материални ихтиро қилдилар, бу ўз шаҳарлари номидан кейин пергамент деб номланди.

Теридан ахборот ташувчи сифатида фойдаланиш қадим замонлардан бери маълум бўлган (Мисрда - милоддан аввалги иккинчи минг йилликдан)[2], лекин пергаментнинг кенг қўлланилиши милоддан аввалги II асрда бошланган ва милодий IV асрдан бошлаб у папирусни сиқиб чиқарди[3]. Пергамент Милоддан аввалги V асрда форслар томонидан ишлатилган. XIII асрда Пергаментнинг “веллен” деб номланган енгилроқ ва сифатлиси ишлаб чиқарила бошланган.

Пергамент тайёрлашда янги терини тозаланиб, оҳак эритмасига солинган. Тери сифатига ва об-ҳаво шароитига қараб намлаш уч кундан ўн кунгача давом этган. Тери ёғоч рамкаларга тортилган ва қолган тукларни, тери ости тўқимасини олиб ташлаш ва керакли қалинликни бериш учун кависли пичоқ билан ишлов берилган. Кейин териларга силлиқлаш учун ишлов берилган.

Европада диний китоблар XV аср бошларида босмахона ихтиро қилинмагунча папирусда ёзилган. Пергамент иккинча даражага ўтди ва у асосан зодагонлар томонидан қўлланила бошланди. Дастлаб терига ёзилган йирик манба “Авесто” бўлса, яна бири Қуръондир. Унинг дастлабки хатга туширилишида ҳам махсус ишлов берилган тери – пергамент (ўрама) ишлатилган. Китоб ҳолидаги пергаментга ёзилган ноёб Қуръонлардан бири – Усмон Қуръони (651 йил) Тошкентдаги Моварауннахр диний идораси музейида сақланади. “Усмон Қуръони”нинг нусхаси 68x53 см[4] ўлчамда қилинган. Тери ёзув ашёси сифатида X асрларгача ҳам сақланиб қолганлиги манбалардан маълум. Ахборот ташувчи сифатида пергамент жуда қиммат эди. Инсониятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ўз ютуқларини мустаҳкамлаш учун арзонроқ маҳсулот талаб қилинди. Шундай бўлса-да, Ўрта асрларга қадар қоғоз, папирус ва пергамент бир хил даражада машҳур эди. Қоғознинг муомалага кириши билан китоб яратишда тери фақат муқовалар учун ишлатиладиган китобат ашёси бўлиб қолди[5].

Таъкидланганидек инсониятнинг ахборот сақлаш воситаларига ўсиб бораётган эҳтиёжлари ўз ютуқларини мустаҳкамлаш учун арзонроқ маҳсулот талаб қилинди. Нажот Хитойдан келди. Ипак олиш учун ипак қурти пилласини қайнатган хитойлик аёллар ипак жунини сиқиб чиқариб, тўрда қуритгандан сўнг ёзиш мумкин бўлган юпқа материал қатлами қолганлигини аниқладилар. Ипакнинг нархи чарм билан таққосланганда, таннархи деярли бир ҳил ва бундай қоғоз ҳам қимматлиқ қилар эди. Хитойликлар йўлини топдилар: милодий 105 йилда. Сай Лун ипак ишлаб чиқаришга ўхшаш технологиядан фойдаланган ҳолда қоғоз ишлаб чиқаришни, лекин хомашё сифатида эски балиқ ов тўрлари ва бошқа арзимас матолардан фойдаланишни таклиф қилди[6].

Европада диний китоблар XV аср бошларида босмахона ихтиро қилинмагунча папирусда ёзилган. Пергамент иккинча даражага ўтди ва у асосан зодагонлар томонидан қўлланила бошланди

Қоғоз асосан, ўсимлик толаларидан тайёрланадиган юпқа ахборот ташувчи ҳисобланиб, турли хил жинсдаги дарахт пўстлоғи ва бир йиллик ўсимлик целлюлозаси ҳамда ёғоч массасидан ишланади[7]. Бошқа бир манбада эрамиздан аввалги 105 йил – Хан сулоласининг 55 ёшли амалдори Сай Лун Хитойда бамбук толасидан қоғоз олишни кашф этди деб келтирилади. У ўсимлик толаларининг сувли бўтқасини тўрдан ўтказиб, қоғоз олишга муяссар бўлди. Бу усул кўп вақтларгача сир сақлаб келинди. Ушбу усул VI аср бошларига келиб Японияда жорий қилинди[8].

Қоғоз асосан, ўсимлик толаларидан тайёрланадиган юпқа ахборот ташувчи ҳисобланиб, турли хил жинсдаги дарахт пўстлоғи ва бир йиллик ўсимлик целлюлозаси ҳамда ёғоч массасидан ишланади

Лекин шундай бўлса-да, қоғоз саноати оммалашмади, унинг тайёрланиши сирлилигича қолаверди. Қоғоз Европа мамлакатларига етиб боргунга қадар, одамлар терига, пальма дарахтининг новдаларига ҳамда силлиқ текис тошларга ёзганлар. Фақат 751 йилга келиб, Талас водийсида бўлган жангда мусулмонлар асир тушган хитойликлардан қоғознинг қандай тайёрланишини билиб олганларидан сўнг қоғоз оммабоп маҳсулотга айланган[9]. Айнан шу воқеа қоғознинг бутун дунёга тарқалишида дебоча бўлган. ▶

2 Виргинский В., Хотеенков В. Очерки истории науки и техники с древнейших времен до середины XV века. М.: Просвещение, 1993. С. 159.
3 Пергамент // http://dic.academic.ru/dic.nsf/brokgauz/16418
4 Климович Л.И. Книга о Коране // http://bookz.ru/authors/klimovi4-li/b_kor/page-7-b_kor.html
5 Хабибуллаев А. Адабий манбашуносли ва матншунослик. –Тошкент, 2000, 18-19 бетлар.
6 Рыжов К. 105 г. Бумага Цай Луня из старых сетей // http://www.proza.ru/2010/05/03/278
7 https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qogoz-uz/
8 https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qogoz-uz/
9 https://oliymahad.uz/18119

VI VIII асрларда қоғоз ишлаб чиқариш Осиёдаги бошқа мамлакатларга тарқалди. VII асрнинг бошларидан XIX асрнинг биринчи ярмигача Самарқандда ишлаб чиқарилган қоғоз Туркистондагина эмас, балки қўшни мамлакатларда ҳам машҳур бўлган.

Қоғоз саноати 794 йили аббосийлар халифалигининг вазири Фазл ибн Яҳёнинг биринчи қоғоз фабрикасини очишидан бошланган. Олдинлари хитойликлар тут меваларини бирламчи хомашё сифатида ишлатган бўлсалар, мусулмонлар қоғознинг тайёрланиш технологиясини енгиллаштириб, уни зиғир ва пахтадан тайёрлашни йўлга қўйганлар. Бу эса тайёр маҳсулотнинг арзонлашуви ҳамда қоғознинг кенг тарқалишида асосий роль ўйнаган. Канопнинг оммабоплиги ва пишиқлиги туфайли мусулмонлар сифатли қоғоз тайёрлай бошлашди. Бу эса Бағдодда қоғоз саноатининг гуркирашига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда ҳам каноп қоғоз тайёрлашда ишлатилади[10].

Олдинлари хитойликлар тут меваларини бирламчи хомашё сифатида ишлатган бўлсалар, мусулмонлар қоғознинг тайёрланиш технологиясини енгиллаштириб, уни зиғир ва пахтадан тайёрлашни йўлга қўйганлар

Пахтадан қоғоз тайёрлашда дастлаб мато бўлакларга бўлиниб, сув билан намлантирилиб, яхшилаб аралаштирилган. Хомашёдаги кир ва турли ранглардан халос бўлиш учун бир муддат ишқор солиб қайнатилган. Тайёр массани хамир ҳолига келтириб, уни кувалда (кели) билан уриб ишлов берганлар.

Қоғоз фабрикасининг ташкил қилиниши ислом тараққиёти билан бирга дунё тамаддунида ҳам асосий ўринни эгаллаган. Бағдоднинг “Ипак қурти уйи” маҳалласи қоғоз ишлаб чиқаришнинг маркази сифатида бутун оламга танилган. Қоғознинг оммалашуви китоблар нархининг кескин тушиши, ўз навбатида, илмнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган.

Бағдодда қоғоз фабрикаси йўлга қўйилгач, бошқа шаҳарларда ҳам шундай фабрикалар очила бошланган. Тарихчи Уилям Дюрант ўзининг “Маданият тарихи” асарида хабар беради: “Мусулмонлар қоғоз ишлаб чиқариш технологияларини Сицилия ва Испанияга ҳам олиб келганлар. У ердан Франция ва Италияга ҳам етиб борган.

Париж ислом институти профессори Жак Рислер ўзининг “Араб тамаддуни” китобида: “Ҳеч қандай шубҳасиз, мусулмонларнинг Европага туҳфа қилган энг катта яхшилиги бу – қоғоз бўлган” деб таъриф беради[11].

Даниялик тарихчи Ёҳансен Педерсен эса мусулмонларнинг қоғоз саноатини кенг йўлга қўйишларини “нафақат исломий китоблар, балки бутун дунё китоблари тарихида бурилиш ясаган”, деб эътироф қилган[12].

Ўрта Осиёда қоғоз Самарқанддан ташқари Бухоро, Қўқон шаҳарларида ва уларнинг теварак-атрофида жойлашган қишлоқларда ҳам ишлаб чиқарилган. Венгер олими Ҳерман Вамбери Бухорода тайёрланган қоғоз ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Бухорода тайёрланган ёзув қоғозлар нафақат Туркистонда, балки қўшни ҳудудларда ҳам тарқалган. Бу қоғозлар ипакдан тайёрланган бўлиб, силлиқлиги ҳамда нозиклиги билан араб ёзуви учун жуда қулай бўлган»[13].

Қоғоз тайёрлаш учун керакли хомашё (эски кўрпа, тўн кабилардан ажратиб олинган увада ва латта)лар ранги бўйича саралаб олинган. Саралашдан мақсад рангли латталар алоҳида ажратилиб, улардан нарсаларни ўраш учун мўлжалланган дағал қоғозларни тайёрлашда фойдаланилган. Саралаб олинган латталар обжувозда икки соат давомида тортилган.

Қоғозгарлик XV–XVI асрларда ҳунармандчиликнинг муайян бир тури сифатида тўлиқ шаклланди. Бу соҳа билан шуғулланувчи ҳунарманд-усталар авлоди вужудга келди

Қоғозгарлик XV–XVI асрларда ҳунармандчиликнинг муайян бир тури сифатида тўлиқ шаклланди. Бу соҳа билан шуғулланувчи ҳунарманд-усталар авлоди вужудга келди. Хусусан, XVI асрда самарқандлик қоғозгар уста Мир Иброҳимнинг номи жуда машҳур эди. Ҳатто, уста Мир Иброҳим томонидан қоғоз тайёрлашнинг янги бир усули ишлаб чиқилди. Унга кўра тайёрланган қоғознинг ичида бир тангалик доира шаклидаги оппоқ “босма белгиси” бўлган[14]. Ҳар қандай шароитда ҳам қоғозни мана шу белгисига қараб бошқаларидан осонгина ажратиб олиш мумкин эди. Буни ҳозирги тилда айтадиган бўлсак, маҳсулотнинг ўзига хос маркаси сифатида, унинг сохталаштирилишининг олдини олган бир чора деб ҳам қабул қилиш мумкин.

Самарқанд қоғозининг янги турлари ишлаб чиқарила бошлади. Жумладан, “Самарқанд султон қоғози”, “Самарқанд шойи қоғоз”, “Султонлар учун”, “Самарқанд ипаги” қоғозлари бунга яққол мисол бўла олади. Кейинчалик “Мир Иброҳими”, “Нимканоп” турлари яратилди. Асосий хомашё сифатида ўсимлик толалари — каноп, зиғир толалари ишлатилган. Бундан ташқари, хомашё сифатида ёғоч пўстлоғи ҳамда латта қолдиқларидан ҳам фойдаланишган. Бундай қоғозларни

10 https://oliymahad.uz/18119
11 https://oliymahad.uz/18119
12 https://hidoyat.uz/58154
13 https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/yevropa-papirusga-yozayotganda/ “Маърифат” дан олинган мақола
14 https://e-tarix.uz/component/content/frontpage/frontpage.html?start=175

тайёрлаш технологияси оддий ва нархи арзон бўлган. Асрлар мобайнида шаҳарнинг Сиёб анҳори бўйида тўрт юздан ортиқ тегирмонларда қоғоз ишлаб чиқарилган.

Маълумотларга қараганда, Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан забт этилганидан кейин қоғоз тайёрлаш фақатгина Қўқон хонлигида давом эттирилган, холос. XIX асрнинг бошларида Тошкентга келган сибирлик К.Максимов қолдирган маълумотларга кўра, Тошкент ва Қўқон шаҳарларидаги қоғоз фабрикаларида бир вақтнинг ўзида йигирмага яқин усталар ишлаган. Қоғознинг нархи нисбатан арзон бўлган: бир варақ қоғоз 1 пулдан сотилган. XIX аср охирларида Ўрта Осиё бўйича фақат Қўқон шаҳридагина қоғоз ишлаб чиқарилган. Рус олими В.Григорьевнинг ёзишича, Қўқонда 1924 йилга қадар қоғоз ишлаб чиқаришда махсус обжувозлардан фойдаланилган. Қоғоз Қўқон шаҳрида, шунингдек, унинг атрофида жойлашган Қоғозгар ва Чорку қишлоқларида ҳам тайёрланган. В.Григорьев 1931 йилда бу қишлоқларга боради ва у ердаги қоғозгарлар билан учрашади. Улардан қоғоз ишлаб чиқариш усуллари ҳақидаги қимматли маълумотларни тўплайди[15].

XIX-аср 60-йилларида қоғоз машинаси деярли ҳозирги қоғоз машинаси каби қисмлардан иборат бўлган. Кейинчалик қоғоз машинасининг барча қисмлари такомиллаштирилди. Қоғоз ишлаб чиқариш тезлиги ўнларча марта оширилди. Латта хомашёси ўрнига ёғоч целлюлозаси толалари ишлатиладиган бўлди. Қадимги ролл машинаси узлуксиз ишлайдиган туйиш аппаратларига алмаштирилди. Синтетик полимер смола ва толалар борган сари кўпроқ ишлатиладиган бўлди ва қоғоз ишлаш техникаси такомиллаштирилди.

Бугунги кунда қоғоз ишлаб чиқариш саноатида қоғознинг 600 дан ортиқ тури ишлаб чиқарилади. Ташкилотларда қоғозлар иш юритиш жараёнини ҳужжатлаштириш мақсадида фойдаланилади. Халқаро таснифга кўра, қоғоз қуйидагиларга бўлинади: Матбуот қоғоз (босмахона, офсет, иллюстрация, картография, бўрланган қоғоз) — жуда силлиқлиги, оқлиги, босма бўёқни яхши сингдириши билан ажралади. Газета қоғоз билан гул(обой) қоғоз ҳам шу синфга оид. Ёзув қоғоз (ёзув, почта, конверт, карточка қоғоз) — елим олиши, сингдириш хусусиятининг кичиклиги, жуда силлиқлиги билан ажралади. Чизмачилик-расмчилик қоғоз (расм, чизмачилик, чизмачилик калькаси қоғоз) — елимни яхши олади. Электроизоляцион қоғоз (конденсатор, кабель, телефон, изоляцион-ўров қоғоз) — механик мустаҳкамлиги, диэлектриклик хоссаси яхшилиги билан ажралади. Папирос қоғоз (мундштук, папирос, сигарет, чекма қоғоз) — бу синф қоғозининг композицияси, хоссаси ва тайёрланиш технологияси турлича. Шимувчи қоғоз (фильтр, босма, сингдирувчи қоғоз) — фибра, пергамент, санитария-гигиена маҳсулотлари ва бошқа тайёрлашда ишлатилади. Аппарат қоғоз (телеграф лентаси, крид лентаси, перфокарта қоғоз) — механик мустаҳкамлиги билан ифодаланади. Ёруғлик сезгир қоғоз — механик мустаҳкамлиги, яхши елим олиши билан ажралади, фотографияда ишлатилади. Кўчириш қоғоз (копировка ва кўчириш қоғоз) — махсус ишлов бериб тайёрланади. Ўров қоғоз — озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарларини ўраш учун ишлатилади. Саноат-техника қоғоз (патрон, жилвир, диффузор товуш ёзиб олиш, ип ўрашда ишлатиладиган ва ҳ. к.) — пахта толаси, асбест, сунъий толалардан оддий усулда ишлаб чиқарилади.

XIX асрнинг бошларида Тошкентга келган сибирлик К.Максимов қолдирган маълумотларга кўра, Тошкент ва Қўқон шаҳарларидаги қоғоз фабрикаларида бир вақтнинг ўзида йигирмага яқин усталар ишлаган

Қоғоз сифати ўнлаб параметрлар билан белгиланади – зичлик, оқлик, ёрқинлик, қаттиқлик, кул миқдори, ғадир-будирлик ёки силлиқлик, хиралик, абразивлик, қалинлик, намлик, кислоталилик, электр ўтказувчанлиги ва бошқалар. Турли мамлакатларда параметрлар турлича, бу чалкашликка олиб келади. Қоғознинг барча асосий хусусиятларини физик, кимёвий, ва ҳатто, электр хусусиятлаpгага бўлиш мумкин ва уларнинг кўпчилиги тор чегараларга эга. Қоғознинг барча хусусиятларини фақат мутахассислар билиши керак, аммо асосийларини оддий истеъмолчи билиши фойдалидир. Мисол учун зичлик энг муҳим параметр ҳисобланиб, офис жиҳозлари учун 80-90 грамм ($м^2$) зичликдаги қоғоз мақбул ҳисобланади.

Тошқоғоз маҳсулотларига дунёда талаб катта. Чунки у экологик тоза маҳсулот ҳисобланади. Тошдан қоғоз ишлаб чиқариш жараёнида экологияга ҳеч қандай зарар етмайди. Масалан, ҳамма фойдаланадиган оддий оқ қоғознинг бир тоннасини ишлаб чиқариш учун 5 тонна сув керак. Бунда сувнинг тенг ярми заҳарли моддалардан иборат бўлади. Кейинчалик уни тозалаш, йўқотиш имконсиз. Сувга ташланса, балиқлар нобуд бўлади, ▶

Тошқоғоз маҳсулотларига дунёда талаб катта. Чунки у экологик тоза маҳсулот ҳисобланади. Тошдан қоғоз ишлаб чиқариш жараёнида экологияга ҳеч қандай зарар етмайди

15 https://uzhurriyat.uz/2023/07/26/samarqand-qogozi-nega-xaridorgir-bulgan/

ерга тўкилса, ер «ўлади». Бу муаммо ҳозиргача бутун дунёда ҳал бўлган эмас. Тошдан қоғоз ишлаб чиқаришда эса, бундай муаммоларга дуч келинмайди. Чунки сув умуман ишлатилмайди. Тошқоғознинг яна бир муҳим жиҳати шуки, ундаги ёзувлар узоқ муддат давомида ўчиб кетмайди.

Ўзбекистон ҳудуди ҳам Эрон, Ҳиндистон, Месопотамия, Юнонистон, Рим, Миср ва Хитой сингари мамлакатлар каби илк маданият ўчоқларидан ҳисобланади. Лекин унинг қадимий маданияти ҳақида маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Биз юртимизнинг фақат милоддан аввалги VI асрлардан кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида маълум даражада ёзма маълумотларга эгамиз. Ахборот ташувчилардаги ёзув илк цивилизациянинг асосий белгиси ҳисобланади. Инсоният тарихида ҳарфларга асосланган ёзувга мил.ав. II минг йиллик охирида финикияликлар асос солган. Шу ёзув асосида оромий, грек алфавитлари пайдо бўлган. Турон заминда яшаган халқлар ҳам, шу жумладан, ўзбек халқи беҳад кўҳна ёзув маданиятига эга. Улар қадимда турли ёзувлардан фойдаланиб келганлар. Бу ёзувлар ўз системасига кўра, асосан, фонографик – 12 ҳарф-товуш ёзувидан иборат бўлган. Ўрта Осиёда ҳам араб ёзувига қадар юнон, оромий ёзуви асосида пайдо бўлган қадимги бактрия, хоразмий, сўғдий ёзувлари бўлганлиги археологик манбалар асосида ўз исботини топмоқда[16].

Биз юртимизнинг фақат милоддан аввалги VI асрлардан кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида маълум даражада ёзма маълумотларга эгамиз. Ахборот ташувчилардаги ёзув илк цивилизациянинг асосий белгиси ҳисобланади

Оромий ёзуви қадимги сом (финикий) ёзуви асосида пайдо бўлган консонант (ундош) деб аталмиш ёзув туридир. У мил.ав. биринчи минг йиллик бошида юзага келган.

Ўрта Осиёда оромий хатининг энг қадимги намунаси мил.ав V–IV асрга оид. Сопол идиш – хум сиртига битилган бу ёзув археолог олим М.Мамбетуллаев томонидан Катта Ойбуйирқалъа шаҳрини ўрганиш давомида топилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу хат бўлаги хоразм ёзувида эмас, балки оромийда бўлган. Гарчанд шундай бўлса-да, бу хат оромий ёзувининг Окс ва Яксарт оралиғидаги сарҳадда тарқала бошлаганлигининг илк намунаси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта Осиёда оромий ёзуви намунасида вужудга келган ёзувлардан яна бири бактрия ёзувидир. Бактрия ёзуви ва тилининг тарих, тилшунослик ва шарқшунослик фанларига киритилиши бевосита машҳур олмон олими В.Хеннинг номи билан боғлиқ

Ўрта Осиёда оромий ёзуви намунасида вужудга келган ёзувлардан яна бири бактрия ёзувидир. Бактрия ёзуви ва тилининг тарих, тилшунослик ва шарқшунослик фанларига киритилиши бевосита машҳур олмон олими В.Хеннинг номи билан боғлиқ. 1957 йилда шимолий Афғонистоннинг Боғлон ҳудудидаги Сурхкўтал деб номланган, Кушон подшолари шарафига битилган маҳобатли хатнинг топилиши фанга бактрия ёзувининг ўрганилиш тарихини бошлаб берган эди. Ўзбекистон ҳудудидаги энг дастлабки бактрия ёзувлари 1962 йилда археолог Б.Я. Ставиский раҳбарлигида Эски Термизнинг Қоратепа манзилгоҳидан топилган. Бактрия ёзуви 25 та ҳарфдан иборат бўлиб, чапдан ўнга қараб ўқилади. Энг қадимги бактрия ёзувлари қайд этилган ёдгорликлар сирасига Мирзақултепа, Фаёзтепа, Кампиртепа, Қоратепа, Айритом, Зартепа, Далварзинтепа, Хотинработ, Хайитободтепа киради. Бу манзилгоҳлардан топилган ёзув намуналари Бақтрия архиви деб аталади. Бу архив ҳужжатлари намуналари деворга, тошга, қайин пўстлоғига, сополга, ёғочга, ҳайкалларга ва бошқа нарсаларга ёзилган[17].

Умуман олганда, Ўрта Осиё халқлари тўғрисидаги илк ёзма ҳужжатли маълумотлар мажмуасини, яъни архив ҳужжатлари коллекциясига: қадимги Нисадаги Парфия архиви, Хоразмдаги Тупроққала архиви, Муғ қалъаси харобаларидан топилган Диваштич архиви киради[18].

Тупроққала саройидаги подшо архивида 1947–1949 йилларда С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик-этнографик экспедицияси аъзолари қадимги хоразмликларнинг тери ва ёғочга ёзилган 140 та ҳужжатини топишди. Шундан 122 таси терига ёзилган бўлиб, уларнинг кўпи чириб кетган. Терига ёзилган ҳужжатлардан 18 таси, тахтага ёзилганлардан эса 8 таси яхши сақланган. Бу ҳужжатларнинг асосий қисми маъмурий-хўжалик масалаларига доир бўлиб, оромий типидаги алифбода ёзилган. Ҳужжатларнинг тили А.А. Фрейман ва бошқа тилшунослар текширган Хоразмнинг XIII–XIV асрлардаги ўзига хос эроний (форсий) тилига ўхшайди. Айрим ҳужжатларнинг йили ҳам кўрсатилган. Улар терига ёзилган бўлиб, номаълум давр саналари – 207, 231 ва 232 йиллар билан белгиланган. Ҳужжатлар топилган маданий қатлам Хоразм тарихининг

16 Рашидов О. Ўзбекистонда архив иши тарихи. -Тошкент.: Наврўз, 2019. -Б.11-12. (Барча адабиётларни шу тарзда расмийлаштириш керак)

17 О.Рашидов “Ўзбекистонда архив иши тарихи” Архившунослик бакавлавriят йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент. “Наврўз”-2019 йил; 12- бет.

18 О.Рашидов “Ўзбекистонда архив иши тарихи” Архившунослик бакавлавriят йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент. “Наврўз”-2019 йил; 14- бет

кушон-африғийлар даври оралиғи, яъни III–IV асрларга оиддир[19].

Ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий туридир. Инсоннинг ижтимоий фаолияти, аниқроғи кишиларнинг ўзаро муносабатининг натижаси ўларок яратилган ва ўша замонларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирган манба сифатида ўрта аср (VI–XIX асрлар) тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутади. Ёзма манбалар ўз навбатида икки турга бўлинади:

Шундан биринчиси ва асосийси Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар, молиявий-ҳисобот дафтарлари, расмий ёзишмалар).

Ижтимоий-сиёсий, айниқса, иқтисодий муносабатларга оид масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар, молиявий (ҳисобот дафтарлари ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир). Расмий ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни маълум юридик шаклда бевосита ва кўп ҳолатларда айнан қайд этиши билан қимматлидир. Лекин уларнинг орасида, айниқса, расмий ёзишмаларда сохталари ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланилганда диққат-эътибор ва зўр эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ҳужжатлар устида иш олиб борганда, ундан бирон ижтимоий-сиёсий воқеа ёки фактни талқин этиш учун фойдаланиш жараёнида, биттаси билан кифояланмасдан, ўхшаш бир неча ҳужжат, манбаларни қўшиб ўрганмоқ зарур, чунки битта ҳужжатда фақат бир келишув ёки факт устида гап боради. Шунинг учун фақат бир ҳужжат билан маълум ижтимоий-сиёсий масала устада қатъий фикр юритиб, умумлаштириб қатъий хулосага келиб бўлмайди[20].

Расмий ҳужжатлар – ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар, вақфномалар, ҳисоб-китоб дафтарлари, раҳномалар, расмий ёзишмалар, мактублар ва бошқалар. Умуман, тарихий ҳужжатларнинг ўттиздан ортиқ тури мавжуд[21]. Ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни бевосита қайд этишлари, яъни феодал ер эгалиги, ижтимоий муносабатлар, давлат тузилиши ва шунга ўхшаш масалалар бўйича далилий маълумотга бойлиги билан тарихий манбаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Улар асосан ҳужжатшунослар томонидан махсус ўрганилса-да, тарихий манба сифатида манбашуносликда илмий қиймати жуда катта.

Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда Ўзбекистон миллий архиви, илмий текшириш институтларининг кутубхоналарида, ўлкашунослик музейларида сақланаётган расмий ҳужжат ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Лекин уларни топиш, ўрганиш ва ўз ўрнида фойдаланиш ўта қийин бўлиб, тадқиқотчидан чуқур билим, махсус малака, қунт ва сабот-матонат талаб қилинади.

Ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам, жамиятда катта нуфузга эга бўлган шахслар ўртасида олиб борилган ёзишмаларни ҳам бир ердан, аниқроғи бир ёки икки асар ичидан, бир музей, архив ва фондидан топиб бўлмайди.

Уларни барча музей, архив ва фондлар ичидан, қўлёзма китоб ва чоп этилган асарлардан қидириб топиш мумкин. Ҳуқуқий ҳужжатлар подшоҳ ва хонларнинг фармонлари, ёрлиқлари, иноятномалар, раҳномалар, васиқалар, вақфномалар ва бошқалар Ўзбекистон миллий архивида, Ўзбекистондаги тарих ва ўлкашунослик музейларида, махсус илмий-текшириш институтлари ва университетларнинг кутубхоналарида, шунингдек, шахсий мажмуаларда сақланади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, маълумот ёзилган ва уни ўқиш мумкин бўлган ҳар қандай объект ахборот ташувчи ҳисобланади. Масалан:

Матн, рақамлар, фотолар, графикалар туширилган қоғоз варағи;

Мусиқа кассетали лента, магнит тасмалар, пластинка, фотопластинка, фотоплёнка.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш лозимки тахтачалар ва пергаментлар нафақат сақлаш, балки ушбу ахборотнини ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ қайта ишлаш имконини берди. Архив ҳужжатлари эса аксарияти деярли бутун дунёда ҳозирги кун ҳолатида асли қоғозда сақланган. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, ахборот ташувчи сифатида архив маълумотлари қоғоздан ташқари тери, пергамент, калька, фотоплёнка ва электрон ҳамда бошқа ташувчиларда ҳам бўлади. Қайси ташувчида бўлишидан қатъий назар ҳужжатли ахборот, ҳужжатли меросни сақлаб қолиш, эртанги авлодга етказиб бериш бугунги кунда муҳим вазифа ҳисобланади. ■

Ижтимоий-сиёсий, айниқса, иқтисодий муносабатларга оид масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар, молиявий (ҳисобот дафтарлари ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир). Расмий ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни маълум юридик шаклда бевосита ва кўп ҳолатларда айнан қайд этиши билан қимматлидир

Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда Ўзбекистон миллий архиви, илмий текшириш институтларининг кутубхоналарида, ўлкашунослик музейларида сақланаётган расмий ҳужжат ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир

19 О.Рашидов “Ўзбекистонда архив иши тарихи” Архившунослик бакавлариат йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент. “Наврўз”-2019 йил; 15- бет.

20 «Тарихий манбашунослик» Электрон қўлланма. Тошкент 2007. 8-бет https://e-library.namdu.uz

21 Манбашуносликнинг асосий йўналишлари. Назарий ва амалий манбашунослик https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/manbashunoslik/171-manbashunoslik.pdf

КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ГЕНЕЗИСИ ВА ТАРИХИ




10.34920/2181-8207/2024/1-109



Равил Ашрапов,
Навоий шаҳар Педагогика институти, «Умумий Педагогика ва психология» кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. В статье автор проводит разносторонний анализ возникновения и становления мировой читательской культуры. В свете множества методологических подходов в историческом, культурном и философском контексте осмысливает феномен книги и трансформацию книжной культуры, влияние культуры чтения на мировоззрение людей, народов, формы организации и устройства жизни.

Рассматривает научные труды современных исследователей о месте и важности роли культуры чтения в жизни молодежи. Подводит к выводу о необходимости целостного, системного и междисциплинарного подхода в изучении проблем читательской культуры. Также автор подчеркивает, что образовательные, социально-культурные, экономические и политические сферы жизни имеют возможность кардинального изменения отношения молодежи к читательской культуре.

Исследует феномен «культуры чтения», разделив его на составляющие компоненты – культура, читательская грамотность, письменность, читатель, книжная культура. Особо указывает, что читательская культура тесно связана общей культурой самого общества.

Ключевые слова: виртуальная библиотека, электронные издания, культура, упадок культуры чтения, духовность молодежи, междисциплинарное исследование, развлекательное чтение, развитие книжной культуры, читательская грамотность, письменность, текстовая информация.

Annotation. In the article, the author conducts a comprehensive analysis of the emergence and development of world reading culture. In the light of many methodological approaches in a historical, cultural and philosophical context, he comprehends the phenomenon of the book and the transformation of book culture, the influence of the reading culture on the worldview of people, nations, forms of organization and structure of life.

Considers the scientific works of modern researchers about the place and importance of the role of reading culture in the lives of young people. Leads to the conclusion about the need for a holistic, systematic and interdisciplinary approach in studying the problems of reading culture. The author also emphasizes that educational, socio-cultural, economic and political spheres of life have the opportunity to radically change the attitude of young people towards reading culture.

Explores the phenomenon of “reading culture”, dividing it into its components – culture, reading literacy, writing, reader, book culture. Particularly indicates that reading culture is closely connected by the general culture of society itself.

Key words: virtual library, electronic publications, culture, decline of reading culture, youth spirituality, interdisciplinary research, recreational reading, development of book culture, reading literacy, writing, text information.



Узоқ ўтмиш ва ҳозирги кунда ҳам инсон хулқ-атворини ижобий хислатларининг шаклланишида китоб мутолааси жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Шу сабаб аҳоли ўртасида, айниқса ёшлар орасида китобхонлик маданиятини янада ривожланиши давлат ва жамият тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Айни дамда техника асри сабаб тош ёзувлар ва босма китобларга эҳтиёж камайиб бормоқда.

Сўнгги 10-15 йил ичида ҳаётнинг таълим, ижтимоий-маданий ва иқтисодий соҳаларида парадигма ўзгариши, ёшларнинг маданиятга, китоб ўқишга ҳам муносабатини ўзгартирди. Илмий ва маданий ҳамжамият бу ҳолатни «ўқиш маданияти инқирози» деб атади».[2]

Бизнинг фикримизча, ижтимоий, гуманитар ва табиий фанларнинг турли соҳалари томонидан ўқиш ҳодисаси тўғрисида тўпланган билимларни тизимлаштириш ва бир бутунга бирлаштириш зарур.

Ёшларнинг ўқиш маданиятини ривожлантириш бўйича самарали чора-тадбирларни тўлиқ ишлаб чиқиш, жумладан, биринчидан, фанлараро тадқиқотлар (фалсафа, социология, педагогика); иккинчидан, жамиятнинг турли қатламлари (олимлар, жамоат арбоблари, ўқитувчилар, ота-оналар) саъй-ҳаракатларини бирлаштириш билан эришиш мумкин.

В.Бородина ўз тадқиқотларида китобхонликни ва ўқиш маданияти тўғрисидаги «Бу муаммони фанлараро даражада тушунишга яхлит ёндашувни талаб қилади. Ўқиш ҳақидаги ҳетерожен фанлараро билимларни тушуниш ва умумлаштиришнинг шошилинч зарурати унинг турли жиҳатлари ҳақидаги илмий ғояларни бошқа назарий ва услубий асосда синтез қилишни талаб қилади, бу бир қатор омилларга боғлиқ", – эканлигини таъкидлайди.[3]

Е.Мельникова ва А.Киричек ўқиш томонларини тадқиқ қилишда эмпирик ва назарий маълумотлар олимлари томонидан тўпланган натижаларнинг парчаланиши ва тўлиқ эмаслиги ҳақида ёзадилар. [4],[5]

Дарҳақиқат, замонавий дунёда китобхонлик маданияти муаммоси долзарб, мунозарали бўлиб қолди ва алоҳида, ва холис ёндашувни талаб қилади. Ёшларнинг ўйин-кулгиларининг таркибий қисмлари аниқ ўзгарганлиги ва эскирган усуллар ва тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда китобхонлик маданиятининг ҳозирги ҳолатини тўлиқ ва холисона баҳолаш мумкин эмаслиги аён бўлди. Ўқишнинг тўлиқ расмини аниқлаш учун кенг қамровли таҳлил зарур.

Ю.Мелентьева Эпиктетнинг фалсафа ўз иқтидорсизлиги онгдан бошланади деган фикрини тасдиқлаб: «Ўқишда мавжуд вазиятни чуқур фалсафий тушунишнинг етишмаслиги; ўқиш соҳасидаги янги ҳодисаларни фалсафий тушуниш. Ушбу ҳодисаларга фалсафий қарашнинг деярли йўқлиги ва уларни тушунишнинг фалсафий асослари бошқа фанларда ўқишни ўрганишга илмий ёндашувларга салбий таъсир қилади», – деб фикр юритади.[6]

Китобхонлик маданияти тушунчасини асослаш ва мазмунли тўлдириш, унинг ёшларнинг онги ва маънавий-ахлоқий қадриятларига таъсирини ўрганиш, бу борада олимлари томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларини бирлаштириш ҳамда фан нуқтаи назаридан ўрганиш учун эҳтиёж борлиги аён бўлади. Бу жараённи тўлиқ амалга оширилиши бизнинг фикримизча, ижтимоий фалсафанинг ривожланиши туртки бўлади. Айнан ижтимоий фалсафа ҳозирги босқичда китобхонлик маданияти билан боғлиқ муаммоларни чуқур англаш ва вазиятни ҳар томонлама кўриб чиқишга қодир.

Асосий қисм. Глобаллашув, универсал рақамлаштириш ва жамиятни чекланмаган технологиялаштириш жараёнлари ёш авлодда ўқишга бўлган қизиқишни камайтиришнинг аниқ тенденцияси билан алоҳида вазиятни яратди.

Сўнгги ўн беш-йигирма йил ичида ўқиш соҳасидаги мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари бизнинг фикримизни тасдиқловчи қуйидаги тенденцияни таъкидлади:

- ўқишга бўлган муносабат ўзгарди – ўқиш прагматик ва утилитарианга айланди
- бўш вақтда ўқиш вақти қисқартирилди
- ўқувчи ҳали ҳам оммавий ва кўнгилочар ўқишни афзал кўради
- электрон оммавий ахборот воситалари ўқувчининг қоғоз маҳсулотларини афзал кўришидан анча олдинда
- маданий, маърифий ва эстетик ўқиш элитистик фаолиятга айланиб бормоқда.[7]

Шуни таъкидлаш керакки, китобхонлик маданияти тушунчаси унинг кўп қиррали яхлитлигини ташкил этувчи бир нечта таркибий қисмлардан иборат. Булар маданият, ки-

Бизнинг фикримизча, ижтимоий, гуманитар ва табиий фанларнинг турли соҳалари томонидан ўқиш ҳодисаси тўғрисида тўпланган билимларни тизимлаштириш ва бир бутунга бирлаштириш зарур

Ёшларнинг ўйин-кулгиларининг таркибий қисмлари аниқ ўзгарганлиги ва эскирган усуллар ва тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда китобхонлик маданиятининг ҳозирги ҳолатини тўлиқ ва холисона баҳолаш мумкин эмаслиги аён бўлди

тобларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи (китоб маданияти), ўқиш, ўқиш саводхонлиги, ёзиш ва ўқувчининг ўзи. Ушбу таркибий қисмларни ўрганиш китобхонлик маданияти ҳодисасини чуқур ва пухта ўрганишга ёрдам беради.

Фалсафа нуқтаи назаридан маданият инсон ҳаётини ташкил этиш ва шакллантиришнинг ўзига хос усули бўлиб, маънавий ва моддий меҳнат маҳсулотларида, ижтимоий меъёрлар, анъаналар ва тамойиллар тузилишида, маънавий ва ахлоқий қадриятларда, одамларнинг табиат билан ўзаро муносабатларининг уйғунлигида намоён бўлади. Бу шахснинг ўқиш ва интеллектуал уйғунлиги феномени томонидан яратилган бутун муҳит сифатида маълум бир макондир.[8]

«Маданият» тоифасини биринчи гуруҳ позициясидан тушуниш эволюция жараёнида инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар – таълим, фан, санъат ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги муваффақият ва ютуқлар йиғиндисига қисқартирилади

Сўнгги ўн йилликларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқлари «маданият» феномени ҳақидаги тушунчани сезиларли даражада кенгайтирди ва чуқурлаштирди. Ҳозирги вақтда маданият тушунчасининг 300 дан ортиқ таърифлари мавжуд ва бу таърифлар иккита катта гуруҳга қисқартирилган.[9]

«Маданият» тоифасини биринчи гуруҳ позициясидан тушуниш эволюция жараёнида инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар – таълим, фан, санъат ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги муваффақият ва ютуқлар йиғиндисига қисқартирилади. Таърифларнинг иккинчи гуруҳи одамларнинг табиат, жамият ва ўзи билан муносабатларининг диалектик ва эволюцион шартли шакллари «маданият» ни тушуниш билан тавсифланади. Ушбу тоифадаги асосий нарса инсоннинг атрофидаги воқеликка муносабатини тушуниш ва аниқлаш, унинг ички дунёси ва атрофидаги одамлар билан ўзаро муносабатларнинг тарихан аниқланган шакллари ва усулларини акс эттиради, бу унинг фикрлаши ва хатти-ҳаракатларига таъсир қилади.

Жамиятдаги инсон маданияти жуда муҳим, айнан биологик шахсни шакллантиради ва ижтимоий шахсга айлантиради, шу билан унинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади ва шакллантиради

Маданият нафақат шахсиятнинг асосий, мазмунли ва муҳим кучларини яратади ва шакллантиради, балки мулоқот ва мулоқотда мужассам бўлган маълумот, билим, ҳиссиётлар алмашинувида ҳам ўзини намоён қилади. Маданият инсоният билан биргаликда вужудга келади ва у билан биргаликда барча тарихий ўзгаришларни бошдан кечиради. Маданиятнинг биринчи ва ингичка қатлами – нутқ, тил ва ёзувнинг келиб чиқиши – ҳайвонот дунёсини инсон дунёсидан, ижтимоий дунёни биологик дунёдан ажратиб турувчи чизиқ бўлиб хизмат қилди. Шундай қилиб, жамият сунъий табиатни яратиб, бир вақтнинг ўзида ривожланаётган инсониятнинг ўзини, унда кодланган маданиятни истеъмол қилиш ва ундан фойдаланишга қодир бўлган одамларнинг ўзини шакллантиради. Жамият маданияти ўзининг икки томонлама табиатини шундай очиб беради. Бу нарсаларда мустаҳкамланган ҳаётий фаолиятни тўпланган шакллари, бошқа томондан, одамлар онгида сақланиб қолган ва мустаҳкамланган маънавий, интеллектуал ва ақлий фаолият шакллари ҳисобланади. Жамият маданияти объектив (моддий) ва тасаввур қилинадиган (интеллектуал, маънавий) таркибий қисмларнинг бирлигидан яратилади. Бир жамият маданиятининг моддий ва маънавий таркибий қисмлари бошқа даврлар ва халқлар маданияти элементларига тўғри келмаслиги мумкин. Ҳар бир жамиятнинг ўзига хос маданий объектлари ва ўзига хос маданий шахслари бор. Ушбу турли қутбларнинг боғланишидан маданиятларнинг ўзига хос тарихий турлари пайдо бўлади.

Жамиятдаги инсон маданияти жуда муҳим, айнан биологик шахсни шакллантиради ва ижтимоий шахсга айлантиради, шу билан унинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади ва шакллантиради. Маданиятшунос олимларнинг фикрича, «Ҳар бир маданият инсоннинг дунёга ва ўзига бўлган маълум муносабати билан яратилган ноёб оламдир. Турли маданиятларни ўрганиш орқали биз нафақат китобларни, ибодатхоналарни ёки археологик топилмаларни ўрганамиз, балки одамлар биздан бошқача яшаган ва ҳис қилган бошқа инсоний оламларни кашф этамиз. Ҳар бир маданият инсоннинг ижодий ўзини ўзи англаш усулидир. Шу сабабли, бошқа маданиятларни тушуниш бизни нафақат янги билимлар, балки янги ижодий тажриба билан ҳам бойитади».[10]

Ю.Мелентьеванинг фикрича китобхонлик маданиятининг таркибий қисмларидан бири бу китоб маданиятидир.[11]

Китоб, китобхонлик маданияти (матнли маълумотларни ўқиш маданияти) бутун маданиятни шакллантиришнинг бошланғич ва асосий омилини англатади. Китоб маданияти, ўқиш маданияти, китобларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи, ёзув ўқиш маданияти ҳодисасининг ажралмас қисмидир ва китоб бутун инсоният маданиятининг энг тўлиқ ва ранг-баранг ифодасидир. Китоб маҳсулотларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ф.Беконнинг ёзишича: "Китоблар – вақт тўлқинларида сайёҳат қиладиган ва

қимматбаҳо юкларини авлоддан-авлодга эҳтиёткорлик билан олиб юрадиган фикрли кемаларидир", – дейди.[12]

Китобнинг ривожланишини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш, тарихий, маданий ва фалсафий контекстда турли хил услубий ёндашувлар асосида китобнинг моҳияти ва келиб чиқишини очиб бериш, китоб феномени ва китоб маданиятининг ўзгариши, китобнинг ривожланишига таъсирини келтириб чиқаради.

А.Орешина китоб кўпчилик учун «атрофимиздаги маконда таниш предметга» айланганини ёзади. Китобнинг ишлаши учун ўқувчи томонидан маълум бир ҳаракатни бажариш керак, у давом этади: "Уни олинг, очинг, кўриб чиқинг. Электрон китоб билан солиштирганда, ҳақиқий китобни бошқа китоблар билан солиштирганда ҳис қилиш мумкин. Моддий китоб, виртуал, сезилмайдиган моддадан фарқли ўлароқ, инсон ҳаёти давомида объектив равишда ҳамроҳ бўлади ва эгаси-ўқувчи характерига эга – оригинал ёзувлар, совға ёзувлари, йиртилган саҳифалар, хатчўп сифатида саҳифаларнинг эгилган бурчаклари кўринишда акс этади".[13]

Инсон учун китобни ҳис қилиш, у билан мулоқот қилиш ва унга ҳиссий муносабатда бўлиш муҳимдир. Баъзида китоб қийин пайтларда энг содиқ дўстдир. Бу моддий бойликнинг барчаси электрон ўқувчиларда мавжуд эмас.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, дунёда қанча китоблар нашр этилган, улар китобхонлардан кўра кўпроқ ёзувчилар бордек туюлиши мумкин. Афоризмда бўлгани каби: «Илгари китоблар кам ва қочқинлар кўп эди. Ва энди китоблар жуда кўп ва ўзингизни қандай қутқариш кераклигини ким айтади?».[14] Китоб дўконлари жавонлари кўпинча ёшлар томонидан талаб қилинмаган китобларга тўла. Ваколатнинг пасайиши ва китоб маҳсулотларининг қадрсизланишининг сабабларидан бири – «бир кунлик китобларнинг хилма-хиллиги», маданий аҳамиятга эга бўлмаган жуда кўп китоблар эмасми?. [15]

Н.Рубакин ёзганидек, муаллиф ва ўқувчи ўртасида органик муносабатлар бўлиши керак, ҳар бир ёзувчининг ўз китобхонлар гуруҳи, ўз аудиторияси ва ҳар бир ўқувчи турининг ўзига хос муаллифлари бор.[16] В.Белинский ҳам худди шундай фикрда эди: «Халқни билмайдиган ёзувчилар халқ учун китоб ёзмасликлари керак, на унинг характери, на урф-одатлари, на турмуш тарзи, на эҳтиёжлари».[17]

Китобшунос ва тарихчи Э.Охунжоновнинг фикри қизиқ: «Жамият ва унинг аъзолари китоб маданиятининг сифати ва ривожланиш даражаси унинг эволюциясининг ҳар бир босқичида доимо халқнинг интеллектуал салоҳияти, маънавияти ва маданиятининг акси ва ифодали хусусияти бўлиб хизмат қилади».[18]

Ўқиш маданияти атамаси олимлар томонидан жуда кўп ўрганилганига, кўпинча нашрларда, илмий мақолаларда ва маърузаларда қўлланилишига қарамай, тадқиқотчилар ҳали ҳам унга аниқ таъриф бера олмайдилар.

Масалан, А.Умаровнинг фикрича, «Китобхонлик маданияти – бу ахборот тўплашга қаратилган жараён, хулқ-атвор ва фаолият мазмунини ўзгартирадиган билимлар, нормалар, атрибутлар мажмуи».[19]

Abstract: The article examines valuable photographs by Russian, English, French, German and other photographers who arrived in Turkestan in the second half of the 19th and early 20th centuries, summarizing historical monuments, architecture, ethnography, social life and the flora of the region. The history of the arrival of photographers to our country, photo collections and their significance were analyzed, and the frames were scientifically described. Thematic areas of interest and photographs of such photographers as F. Orde, Paul Nadar, Paul Lubbe, Hugo Krafft, E.A. Dmitriev-Mamonov, S.M. Dudin, Gottfried Merzbacher, Prokudin Gorsky were scientifically analyzed. The scientific value of photographs taken by photographers, the history of their presence in museums and libraries around the world, as well as current problems of conservation are revealed.

Keywords: amateur photographer, photography studio, photo album, Turkestan album, photo collection, ethnographic photography, professional photographer, reportage, collection of Dudin, color photography.

Аннотация: В статье рассматриваются ценные фотографии русских, английских, французских, немецких и других фотографов, прибывших в Туркестан во второй половине XIX-начале XX веков, обобщающие исторические памятники, архитектуру, этнографию, общественную жизнь и мир флоры региона. Была проанализирована история приезда фотографов в нашу страну, фотоколлекции и их значение, были научно описаны кадры. Научно проанализированы тематические области интересов и фотографии таких фотографов, как Ф.Орде, Пол Надар, Поль Люббе, Гюго Краффт, Е.А.Дмитриев-Мамонов, С.М.Дудин, Готфрид Мерцбахер, Прокудин Горский. Раскрывается научная ценность фотографий, сделанных фотографами, история их пребывания в музеях и библиотеках мира, а также актуальные проблемы сохранения.

Ключевые слова: фотограф-любитель, ателье фотографии, фотоальбом, Туркестанский альбом, фотоколлекция, этнографическая фотография, профессиональный фотограф, репортаж, коллекция Дудина, цветная фотография.

Аннотация: Мақолада XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонга келган рус, инглиз, француз, немис ва бошқа фотографларнинг ҳудуд тарихий ёдгорликлари, меъморчилиги, этнографияси, ижтимоий ҳаёти ва флора дунёсига доир жамлаган қимматли фотосуратлари ўрганилган. Фотографларнинг ўлкамизга келиши тарихи, фотоколлекциялари ва уларнинг аҳамияти таҳлил этилган ҳамда лавҳалар илмий тавсифланган.

Ф.Орде, Пол Надар, Поля Люббе, Гюго Краффт, Е.А.Дмитриев-Мамонов, С.М.Дудин, Готфрид Мерцбахер, Прокудин Горский каби фотографларнинг қизиқишлари, фотосуратларининг мавзувий йўналишлари илмий таҳлил этилган. Фото усталари томонидан олинган суратларнинг илмий қиймати, уларнинг жаҳон музейлари ва кутубхоналарига бориб қолиш тарихи ва ҳозирги кунда сақланиши масалалари очиб берилган.

Калит сўзлар: ҳаваскор фотограф, фотография ательеси, фотоальбом, Туркистон альбоми, фотоколлекция, этнографик фотография, профессионал фотограф, репортаж, Дудин коллекцияси, рангли фотография.

Ўрта Осиёдаги тарихий муҳит, аҳолининг кундалик турмуши ва жўғрофий материаллар айнан фотография орқали бугунгача етиб келган. Тарихнинг турли даврларга доир фотолавҳалар давр муҳитини тасаввур этишда муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилади.

Ўрта Осиёдаги тарихий муҳит, аҳолининг кундалик турмуши ва жўғрофий материаллар айнан фотография орқали бугунгача етиб келган. Тарихнинг турли даврларга доир фотолавҳалар давр муҳитини тасаввур этишда муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилади

Инсон тафаккурининг қудрати билан вужудга келган фотографиянинг Ўрта Осиёга, хусусан, ўзбек диёрига кириб келганига 130 йил бўлди.

Тарихий ҳужжатларнинг шаҳодат беришича, Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон билан танишиш, унинг табиати, тарихи ва маданиятини ўрганиш мақсадида илк бор фотоаппарат билан Туронзаминга келган кишилар европалик сайёҳ ва ўлкашунослардир. Улардан кейин эса ҳунармандлар ва тадбиркорлар қадамранжида қилишган. Шулардан бири Антон Муренко (1837–1875) бўлиб, у 1858 йилда полковник Н.Игнатьевнинг ҳарбий-дипломатик сафари вақтида «очиқ музейлар шаҳри» – Хива кўринишларини суратга олган. Унинг издошларидан бири Станислав Николаи 1837 йилда Тошкентда илк фотография ательесига тамал тошини қўйган.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1890 йили Тошкентга ташриф буюрганида, Янги шаҳардаги гимназия, театр сингари рус маданияти ўчоқлари билан яқиндан танишган. Туркистоннинг маданий ва маиший ҳаётига кириб кела бошлаган Европа маданияти ва техникаси янгиликлари шоир қалбида ўчмас таассурот қолдирган. У мазкур сафари чоғида Тошкентнинг энг машҳур фотографи Дмитрий Назаров билан ҳам учрашган. Тошкент гимназиясида расм машғулотини олиб борган Д.Назаров Санкт-Петербургдаги Строгонов бадиий-санъат билим юртини тугатгач, Туркистонга келиб, ҳозир Амир Темур номи билан аталган кўчанинг Темурийлар давлат музейи яқинида ўз ательесини очган эди[1].

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда суратга тушириш шариат қонунлари томонидан йўл қўйилмас, муллалар бунга қарши тиш тирноғи билан қарши курашишарди. 1889 йили Фурқат Д.Назаров уйи ва фотоательеси ҳақида «Туркистон вилоятининг газети»да катта мақола чоп этади

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда суратга тушириш шариат қонунлари томонидан йўл қўйилмас, муллалар бунга қарши тиш тирноғи билан қарши курашишарди. 1889 йили Фурқат Д.Назаров уйи ва фотоательеси ҳақида «Туркистон вилоятининг газети»да катта мақола чоп этади[2]. Мақоладан сўнг маҳаллий аҳолининг фотографияга бўлган қизиқиши янада ортади. Муллалар эса фотография шариат қонунларига зид эмаслигини тан олишади.

XIX аср охирларида Тошкентда шундай кишилар ташаббуси билан Туркистон фотография ва нафис санъат ҳаваскорлари жамияти ташкил топди. 1899 йилда эса Туркистон тарихида биринчи марта Тошкентда фото кўргазма ташкил этилди. Кўргазмани тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тузилган комиссия, манбаларда айтилишича, икки ярим мингдан зиёд бадиий фотосуратларни томошабинлар эътиборига ҳавола қилган[3]. Экспозицияда туркистонлик, хусусан, тошкентлик машҳур фотосурат усталари В.Козловский, Е.Коркин, Ш.Немцевич, М.Смоленскийлар билан бирга ҳаваскор сураткашлар И.Гейер, П.Григорьев, С.Юдин, Г.Сваричевскийлар асарларини томоша қилиш имконияти бор эди[4].

Ўлкамизга доир фотосуратлар фақатгина ҳаваскор фотограф ва сураткашлар томонидан олинмай, балки махсус топшириқлар асосида хам йиғилган. Хусусан, Туркистоннинг биринчи генерал губернатори, генерал адъютант Константин Петрович фон-Кауфман (1818–1882) Туркистон ўлкаси билан яқиндан танишиш мақсадида фотосуратли альбом тайёрлашга топшириқ беради. Альбомга қуйидагиларга эътибор қаратиш асосий вазифа қилиб белгиланади.

- Тарихий ёдгорликларда сақланиб қолган ўлканинг қадимий ҳаёти (археология қисми);
- Аҳолининг замонавий ҳаёти – ташқи кўриниши, эътиқоди, урф-одат ва анъаналари, турар-жойлари, кийим-кечаклари ва ўлка маҳаллий аҳолисининг бошқа кўринишлари (этнография қисми);
- Ишлаб чиқариш ва техник муносабатлардаги ўлка маданияти (ҳунармандчилик қисми);
- Русларнинг бу янги ўлка томон ҳаракати, Ўрта Осиёга биринчи йўлларни очган арбоблар портретлар (тарих қисми).

Мазкур вазифани атрофлича ўрганиш, альбомни тайёрлаш ишларига қарийб икки йил вақт кетди. Фотосуратларни тузишга шарқшунос ва этнограф А.Л.Кун (1840–1888) тайинланган, қадимий меъморчиликнинг

1 Каримов Н. Илк ўзбек фотографи // https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/maqolalar/374-ilk-fotograf.html.
2 Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2018. – Б.13.
3 https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/maqolalar/374-ilk-fotograf.html
4 Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика... – Б.14.

диққатга сазовор фосуратларини олиш Н.В. Богаевскийга топширилган. Акварел нусхаларни Л.А.Шостак тасвирлаган. Шунингдек, альбомни тайёрлаш ишларига М.И.Бродовский, М.А.Терентевлар жалб этилган. Шу тариқа 1262 сурат, шунингдек, архитектура режалари, акварелда чизилган расм ва хариталарни ўз ичига олган қимматли фотоальбом тайёрланади.

Альбомнинг археологик қисмида 1871-1872 йилларда суратга олинган авлиё Шайх Ҳованда Тоҳур қабристони, Кўкалдош мадрасаларини кўриш мумкин. Тошкент воҳаси обидаларини расмга олиш учун кўплаб фотографлар, хусусан, Н.Нехорошев, К.Сциборовский, Д.Назаров ва С.Николялар жалб этилган[5].

«Туркистон альбоми»нинг икки ҳақиқий нусхалари бугунги кунда Санкт-Петербург ва АҚШдаги Конгресс кутубхонасида сақланади[6]. Бугун дунёнинг турли музейлари, кутубхоналари, университетлари, илмий тадқиқот марказлари ва архивларида сақланаётган Туркистон билан боғлиқ фотоколлекциялар ўлкага ташриф буюрган рус, ингиз, немис, француз ва бошқа фотографлар томонидан суратга олинган ва махсус йиғилган.

Россия императорлик жамоат кутубхонасига, айнан, «Тасвирий санъат ва технология» бўлимига В.В.Стасов бошчилигида 1872 йилдан 1906 йилгача бўлган, Туркистон ўлкасига бағишланган ва альбом ҳолида тўпланган фотосуратлар 1870 йиллардан йиғила бошланган. В.В.Стасов мазкур кутубхонада 50 йилдан ортиқ вақт давомида ишлаган энг йирик рус танқидчиси ва санъатшуноси ҳисобланади[7]. Ҳозирда Россия миллий кутубхонаси деб аталадиган муассасанинг Нашрлар бўлими коллекцияларида Ўрта Осиё ҳудудларига оид қатор алоҳида альбомлар сақланади.

Ўрта Осиё халқларига оид кўпгина фотоколлекциялар Россия Фанлар академияси Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография музейида сақланмоқда. Мазкур музейда Марказий Осиё халқлари фотофонди бўлиб, у олдин Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўлими деб номланган. Мазкур фонддан ҳудуд халқлари, кийим-кечаклари, туражойлари,



ҳаёт тарзи, хўжалик хаётига доир қимматли материаллар олиш мумкин. Кўплаб расм ва фотосуратлар жуда эски ва ноёбдир. Коллекцияларда махсус ишлар ҳам сақланиб, унга мисол сифатида Н.Орде, С.М.Дудин, К.В.Щенниковларни айтиш мумкин[8].

1880 йиллар охири 1890 йиллар бошлари фундаментал илмий фотография асос солинган давр ҳисобланади. Кўп қиррали профессионал фотограф сифатида биринчи навбатда Ф.Ордени келтиришимиз мумкин. У экспедицион, этнографик фотографияга асос солган камёб, замонавий, профессионал фотограф ҳисобланади. Ўз саёҳатлари давомида мундарижаси такрорланмас ва техник нуқтаи назарда жуда сифатли фотосуратларни олишга муваффақ бўлган. Шунинг учун Орде доим ноёб фото устаси сифатида эсланади. Ф.Ордени нафақат таниқли фото устаси, балки мавзувий ва географик қамрови кенг инсон деб аташ мумкин. Афсуски, ҳамма фотоколлекцияси ҳам Археология ва этногария музейи (Россия)да сақланиб қолмаган. Унинг фотоколлекцияси рўйхати 1931 йилда Ўрта Осиё халқлари бўйлаб фотосуратларига киритирилган.

Кўзга кўринган маҳоратли фотограф Ф.Орде ишларини излаш асносида Санкт-Петербургдаги Россия миллий кутубхонаси фондларидан «Кавказ ва Ўрта Осиё» номи остида унинг тўрт томли фотоальбоми топилади[9]. Ф.Орденинг тўрт томли фотоальбомини тадқиқ этиш жараёнида турли тўпловчилар томонидан музейга келтирилган бутун бошли эски фотосуратлар ягона муаллиф – Ф.Ордега тегишли эканлиги маълум бўлган.

Россия императорлик жамоат кутубхонасига, айнан, «Тасвирий санъат ва технология» бўлимига В.В.Стасов бошчилигида 1872 йилдан 1906 йилгача бўлган, Туркистон ўлкасига бағишланган ва альбом ҳолида тўпланган фотосуратлар 1870 йиллардан йиғила бошланган

5 Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2018. – Б.13.
6 Русский Туркестан глазами первых фотографов // vesti.uz. 29.02.2012.
7 Бархатова Е. Коллекция Отдела эстампов Российской национальной библиотеки // Международная конференция “Другой Туркестан: неизвестные фотографии азиатской окраины Российской империи”. – Санкт-Петербург, 2019 йил, 22-23 май.
8 Прищепова В.А. Иллюстративные коллекции по народам Центральной Азии вротой половины XIX – начала XX века в собраниях Кунсткамеры. – Санкт-Петербург: Наука, 2011. – С.10.
9 Орде Ф. Альбом фотографий “Кавказ и Средняя Азии”., 1899. – С.3.

Туркистонга оид фотосуратларни йиғишда Франциядан келган фотографларнинг хизмати жуда катта. Хусусан, француз фотографи, карикатурист Пол Надар (тўлиқ исми Гаспар Феликс Турнашон) (1820–1910) 1890 йилда Туркиядан Туркистонга саёҳат қилган. У 1856 йилда машҳур фотограф Гаспар Феликс оиласида дунёга келган. Парижданйўлга чиқиб, Истамбул, Тблиси ва Баку орқали Туркистон, ҳозирги Туркманистон ва Ўзбекстон ҳудудларига кириб келган. XIX аср сўнгида кўп сонли тарихий иншоотларни суратга олган. Надар саёҳатлари натижаси ўларок фотография тарихида биринчиларда бўлиб «катта репортаж» тайёрлади. Унинг суратларида ўзига хослик шундаки, суратга олиш жараёнларидан бир неча кадрлар ҳам сақланиб қолган.

Ўрта Осиёга фотоаппарат билан келган сайёҳ Поль Надар Шарқни Европа учун кашф этди. Француз фотографининг XIX аср охирларида Ўрта Осиёга келиб, ўлкамиз манзараларини тасвирга туширгани эътирофга лойиқ

Ўрта Осиёга фотоаппарат билан келган сайёҳ Поль Надар Шарқни Европа учун кашф этди. Француз фотографининг XIX аср охирларида Ўрта Осиёга келиб, ўлкамиз манзараларини тасвирга туширгани эътирофга лойиқ. Негаки, Поль Надар тасвиридаги шаҳар ва қишлоқ кўринишлари, орадан бир неча асрлар ўтган бўлса ҳамки, қарийб ўзгармаган эди. Фақат шаҳар ва қишлоқлар эмас, балки шу шаҳар ва қишлоқлардаги қайноқ ҳаёт манзаралари ҳам, одамларнинг ўша вақтдаги ўзига хос қиёфалари ҳам унинг фотосуратларида акс этган эди. Надар тор кўчалар, бозор майдонларидаги ҳаёт ва гавжум оломон, саёҳатчи савдогарлар, маҳаллий аҳолининг ҳордиқ чиқариш жараёни, янги шаҳар жамияти, оилалар, болалар ўйинлари каби қайноқ лаҳзаларни тасвирга туширган. Шу тариқа парижлик фото устаси олис тарихимизни абадиятга муҳрлади.

С.М.Дудин (1863–1929) 1900–1902 йилларда Туркистонга саёҳат қилиб, шаҳарнинг меъморчилик ёдгорликлари, географик тузилиши, табиати, аҳолиси, кийим-кечаклари, таомлари, урф-одат ва анъаналари, диний эътиқодлари хусусида бой материал йиғган

Яна бир фотограф, Франция география жамияти аъзоси Поля Люббе 1897 йилда Туркистонга қилган саёҳати давомида кўплаб меъморчилик ёдгорликларини суратга олган.

Таниқли француз фотографи Гюго Крaффт (1853–1935)нинг эса жами 400 га яқин фотосуратлари бизгача етиб келган. У 1898 йилнинг октябридан 1899 йилнинг июнь ойигача ўзининг сўнгги ва энг катта саёҳатини Рус Туркистони ва Кавказга уюштирган ва хотираларини 1901 йил «Revue des tradition populaires» журналида эълон қилади. Унинг «Қовун сотаётган савдогар» фотосурати жуда машхурдир[10]. Унинг «Рус Туркистони бўйлаб» китобидаги фотосуратлар илмий қийматга эгадир.

Е.А.Дмитриев-Мамонов XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда бир нечта кадрларни олган. Унинг фотосуратларидан Туркистон этнографиясига оид хорижий нашрларда фойдаланилган.

С.М.Дудин (1863–1929) 1900–1902 йилларда Туркистонга саёҳат қилиб, шаҳарнинг меъморчилик ёдгорликлари, географик тузилиши, табиати, аҳолиси, кийим-кечаклари, таомлари, урф-одат ва анъаналари, диний эътиқодлари хусусида бой материал йиғган. Шунингдек, ҳар бир жараённи алоҳида суратга олишга ҳаракат қилган. Хотираларида «маҳаллий аҳолини ва уларнинг кийимларини суратга олиш қийинчилик туғдираётганини, уларнинг ҳар биридан рухсат сўрашга тўғри келаётганини» таъкидлайди[11]. Дудин коллекциясига йиғилган минглаб фотосуратлар Туркистоннинг сўнгги ўрта асрлар даврини ўрганиш, тарихий муҳитни яққолроқ тасаввур қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, Дудин рассомлар академиясида ўқиб юрган кезлари Шарқ тарихи ва маданиятига жиддий қизиққан. Дудин кўплаб йирик шарқшунослар, Петербург университети профессори, академик В.В.Бартольд, Н.И.Веселовскийнинг кўплаб асарларини ўқиган. Кейинчалик Туркистон минтақаси, унинг шаҳарларига қизиқиб қолади. Мазкур шаҳарларни ўрганиш, бу ҳудудларга уюштирилган экспедицияларда қатнашиш истагида бўлади. 1900 йилдан 1909 йилгача Дудин деярли ҳар йили Туркистон ўлкасига боради. Биргина 1900–1902 йилларнинг ўзида уч маротаба саёҳат уюштиради. Мазкур ҳудудларда жуда катта этнографик материллар йиғади. Россия этнографик музейи фондида «Дудин коллекцияси» номи билан 4000 га яқин экспонатлар сақланмоқда. Шундан 35 коллекция ўзбеклар ва бошқа Ўрта Осиё халқларига бағишланган. Унинг 15 та фотоколлекциясида 1500 та фотосурат жамланган[12].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё, хусусан, Туркистон фотографлар учун серқатнов чорраҳалардан бири бўлиб қолди. Европалик ва россиялик фото усталари

10 Равшанов Ў. Бухоро дунё фотографлари нигоҳида. – Бухоро: Бухоро, 2019. – Б.11.

11 Шосаидов А. Ўлка этнографиясини тадқиқ этишда архив манбаларидаги иллюстратив материалларнинг аҳамияти // Oriental journal of history, politics and law. 25.02.2023. – Б.50. /https : // www.supportscience.uz/index.php/ojhpl.

12 Прищепова В.А. Иллюстративные коллекции по народам Центральной Азии вротой половины XIX – начала XX века в собраниях Кунсткамеры. – Санкт-Петербург: Наука, 2011. – С.163.

олис асрларнинг ёдгорликлари, маҳобатли меъморий мажмуаларни суратга олиш учун фоторафик экспедицияларни қайта-қайта уюштирдилар.

Туркистон ўлкасига келган хорижлик фотографлар ва улар томонидан яратилган альбомларда XIX аср охири – XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳолат холис кўрсатиб берилган. Ҳарбий ва илмий жиҳатдан ўрганишга юборилган экспедиция аъзолари ўлканинг стратегик муҳим ва диққатга сазавор жойларини фотосуратга туширган. XX аср бошларидан Ўрта Осиёга эътибор кучайиши натижасида фотография соҳаси ҳам ривожланиб борганлиги ортидан маҳаллий фотографлар етишиб чиққан. Туркистон ҳудудига фотографиянинг кириб келиши бевосита ҳарбий-сиёсий мақсадларни кўзлаган фотографлар билан боғлиқ бўлган.

Россия империяси маъмурлари Ўрта Осиёда фотографиянинг ривожланишига хайрихоҳ бўлган бўлсалар-да, хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳаваскор фотографларни қатъий назоратга олиб турганликлари, ва ҳатто, махсус рухсатномаси бўлмаган фотографларга стратегик муҳим объектлар, чегара ҳудудларида суратга олишларини қатъиян ман этган[13].

Европалик ва россиялик машҳур фотографларнинг Ўрта Осиёга, хусусан, Туркистонга тез-тез келишлари шу ерда фото санъати ихлосмандларининг кўпайишига туртки берди. 1910 йилда Тошкентда 20 та фотография ательелари мавжуд эди. Шу ательеларда тайёрланган бир қатор фотоасарлар Европа ва Америка Қўшма Штатларида ўтказилган фотокўргазмаларда намойиш этилиб, совринларни олишга муваффақ бўлди. Фотоательедан бири, «Илҳомжон Иноғомовнинг мусулмон фотографияси» манбаларда қайд этилишича, 1902 йил 14 апрелда Шайхонтоҳур даҳасининг Ҳовузбоғ маҳалласида очилган[14].

Ўрта Осиё хусусан, Ўзбекистондаги тарихий шаҳарлар обидалари профессионал ва ҳаваскор фотографлар томонидан суратга туширилиб, улар дастлаб Москва, Санкт-Петербург, кейинроқ Париж ва Вена шаҳарларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиши, европалик фотограф ва



тадқиқотчиларни ўлкага қизиқишлари ошишига сабаб бўлган.

Машҳур немис географ ва саёҳатчиси Готфрид Мерцбахер ҳам 1902–1908 йилларда ўзининг Тяншан тоғларига уюштирган экспедициялари вақтида Тошкентга ташриф буюрган ва Воскресение бозорининг бир неча фотосуратларини олган. У бу ерда саёҳати учун зарур бўладиган озиқ-овқат ва бошқа идишлар сотиб олиш учун тўхтаган ва уни қизиқтирган бозор жараёнларини суратга олган. Афсуски, Тошкентга қилган саёҳатларидан фақат бозорда олинган ягона фотосурати етиб келган.

Машҳур фотограф Прокудин Горский Имреторлик Археология жамиятининг рухсати билан Туркистонга уч маротаба келган бўлиб, биринчи марта (1906 йил декабрь – 1907 йил февраль) Россия географија жамияти экспедицияси таркибида Туркистон тоғларида қуёшнинг тўлиқ тутилишини суратга олиш учун ташриф буюрган. 1907 йилги Туркистон фотосаёҳати фотограф коллекциясида муносиб ўринларидан бирини эгаллайди. Прокудин Горский 1911 йил баҳори ва кузида Туркистон ҳудудларига яна икки марта саёҳат қилади. Тошкентдан ўтаётганида Тошкентдаги Хива театрида ўзи ихтиро қилган рангли фотография ҳақида маъруза қилади[15]. 1911 йилда Прокудин Горский томонидан олинган Туркистон фотосуратлари унинг мазкур даврда ижодий салоҳияти чўққига чиққанидан далолат беради. У ҳеч қачон мамлакат бўйлаб қилган саёҳатларида бунчалик кўп инсонларни суратга олмаган. Шунингдек, ҳуднинг ранг-баранг диққатга сазовор жойларини тасвирга олиш унга завқ бағишлаган.

Россия империяси маъмурлари Ўрта Осиёда фотографиянинг ривожланишига хайрихоҳ бўлган бўлсалар-да, хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳаваскор фотографларни қатъий назоратга олиб турганликлари, ва ҳатто, махсус рухсатномаси бўлмаган фотографларга стратегик муҳим объектлар, чегара ҳудудларида суратга олишларини қатъиян ман этган

13 Inayatov J.G`. Turkistonda fotografiya san’ati: shakllanishi va rivojlanish xususiyatlari (XIX asr oxiri – XX asr boshlari)” mavzusidagi falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. – Toshkent, 2023. – B.7-8.

14 Каримов Н. Илк ўзбек фотографи // https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/maqolalar/374-ilk-fotograf.html.

15 «Туркестан. 1911 год» С. Прокудин-Горский фотовыставка цветной фотографии в галерее Bonum Factum // www.kultura.uz. 23.07.2017.

Маҳаллий фотограф орасида Худойберган Девонов номини алоҳида тилга олиш жоиз. Унинг фотография тарихига қўшган ҳиссаси беқиёс. Унинг мазкур соҳа йўлидаги хизматлари хорижлик фотографлар фаолиятидан қолишмайди ва эришган ютуқлари билан ажралиб туради.

Фотография – одамзот томонидан кашф этилган ажойиб ихтироларидан бири ҳисобланади. Ҳақиқатан, ажойиб санъат тури тарихни муҳрлаши билан бирга, инсонларнинг турли ёш босқичларини ўзига кўрсатади. Фотоаппарат ҳаёт машинасининг ёритгичларига ўхшайди. Кўрган нарсасини муҳрлаб бораверади. Шунинг учун дастлабки фотографлар «ёруғлик тасвирчилари» деб номланган.

Фотоаппарат ҳаёт машинасининг ёритгичларига ўхшайди. Кўрган нарсасини муҳрлаб бораверади. Шунинг учун дастлабки фотографлар «ёруғлик тасвирчилари» деб номланган

Туркистон ушбу санъатга қизиқувчилар учун ўзига хос полигон вазифасини ўтаб келган. Мафтункор табиати, бутун дунёга машҳур тарихий-меъморий ёдгорликлари, маҳаллий аҳолининг такрорланмас миллий ўзлиги, қадриятлари, анъаналари, кундалик турмуши янги санъат шайдоларини шу такрорланмас ҳаётни фотоаппарат объективи орқали таништиришга ундаган.

Фотографларнинг заҳматли хизмати эвазига йиғилган қимматли фотосуратлар бугунги обидаларни асл ҳолича таъмирлаш, ҳозирда сақланиб қолмаган, нураб кетган нақш ва безакларни қайта тиклаш, тарихни гавдалантиришда ёрдам бермоқда. Чунки фотосуратлар меъморий обидаларнинг қурилиши, таъмири, тадқиқи, ва ҳатто, бузиб юборилишини ҳам гувоҳи бўладиган ҳужжатдир.

Гарчанд фотосуратлар йиғиш махсус топшириқлар, ҳарбий экспедициялар, стратегик мақсадларга хизмат қилган бўлсада, бундан 150-200 йил олдинги даврнинг руҳияти, шаҳарнинг шарқона ландшафти, мусулмон меъморчилик олами, аҳоли моддий ва маънавий маданиятини яққол кўрсатиб бергани, лавҳаларга муҳрлаб қолгани билан қадрлидир

Гарчанд фотосуратлар йиғиш махсус топшириқлар, ҳарбий экспедициялар, стратегик мақсадларга хизмат қилган бўлсада, бундан 150-200 йил олдинги даврнинг руҳияти, шаҳарнинг шарқона ландшафти, мусулмон меъморчилик олами, аҳоли моддий ва маънавий маданиятини яққол кўрсатиб бергани, лавҳаларга муҳрлаб қолгани билан қадрлидир.

Туркистонга келган элчи, сайёҳ, зобит, тадқиқотчи, фотографлар кўрганлар маълумотларини ёзиш билан бирга, уларнинг ҳаққоний тасдиғи сифатида фотосуратга олишган. Бир жараённи тасвирлаш учун икки ёки уч бет ёзилар, аммо, сурат буларнинг ҳаммасини битта фотога жамлайди. Фотосуратнинг ўзи визуал маълумотларни етказади.

Дастлаб ҳаваскорлик руҳида бошланган фотография кейинчлик, фундаментал, илмий фотографияга айланиб кетади. Ўз ривожининг юксак чўққисига эришади. Оқ-қора тасвир ўрнини кейинчалик рангли тасвир эгаллайди.

Туркистон бўйича йиғилган фотосуратлар нафақат этнографик, балки археологик, нумизматик, эпиграфик, географик, архитектуравий, гидрометеорологик маълумотларни бера олиши билан қадрли ва қимматли саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Бархатова Е. Коллекция Отдела эстампов Российской национальной библиотеки // Международная конференция «Другой Туркестан: неизвестные фотографии азиатской окраины Российской империи». – Санкт-Петербург, 2019 йил, 22-23 май.

2.Inayatov J.G`. Turkistonda fotografiya san'ati: shakllanishi va rivojlanish xususiyatlari (XIX asr oxiri – XX asr boshlari)» mavzusidagi falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. – Toshkent, 2023. – B.7-8.

3.Каримов Н. Илк ўзбек фотографи // https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/maqolalar/374-ilk-fotograf.html.

4.Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2018. – Б.13.

5.Орде Ф. Альбом фотографий «Кавказ и Средняя Азии»., 1899. – С.3.

6.Прищепова В.А. Иллюстративные коллекции по народам Центральной Азии вротой половины XIX – начала XX века в собраниях Кунсткамеры. – Санкт-Петербург: Наука, 2011. – С.10.

7.Равшанов Ў. Бухоро дунё фотографлари нигоҳида. – Бухоро: Бухоро, 2019. – Б.11.

8.Русский Туркестан глазами первых фотографов // vesti.uz. 29.02.2012.

9.«Туркестан. 1911 год» С. Прокудин-Горский фотовыставка цветной фотографии в галерее Bonum Factum // www.kultura.uz. 23.07.2017.

10.Шосаидов А. Ўлка этнографиясини тадқиқ этишда архив манбаларидаги иллюстратив материалларнинг аҳамияти // Oriental journal of history, politics and law. 25.02.2023. – Б.50. /https : // www.supportscience.uz/ index.php/ojhpl.

11.https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/maqolalar/374-ilk-fotograf.html ■



КУНСТКАМЕРА ФОТОАРХИВИ: XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТНИ ЎРГАНИШДАГИ МУҲИМ МАНБА


10.34920/2181-8207/2024/1-116




Алишер Эгамов,
Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази илмий ходими

Abstract. The article provides information about the collection of photographs related to the Turkestan region and stored in the archive of the Kunstkamera. Archival photographs are classified by subject. Comments were also given to the photo albums "Turkestan album", "Views and types of the Khiva Khanate", "Types of peoples of Central Asia", stored in the fund of this organization and explanations for several photographs were written. The article tells about the portraits of various peoples who inhabited Turkestan in the late XIX-early XX century, about their everyday and cultural life, about local crafts, about school education. The article reflects the first hobbies of the local nobility in photography and their early experience in photography.

Keywords. Kunstkamera, archive, fund, photo, album, Turkestan, peoples, crafts, negative, illustrative collection.

Аннотация. В статье представлена информация о коллекции фотографий, касающихся Туркестанского региона и хранящихся в архиве Кунсткамеры. Архивные фотографии классифицированы по тематике. Также были даны комментарии к фотоальбомам «Туркестанский альбом», «Виды и типы Хивинского ханства», «Типы народностей Средней Азии», хранящимся в фонде этой организации и написаны пояснения к нескольким фотографиям. В статье рассказывается о портретах различных народов, населявших Туркестан в конце XIX-начале XX веков, об их бытовой и культурной жизни, о местных видах ремесел, о школьном образовании. В статье отражены первые увлечения местной знати фотографией и их ранний опыт в фотографировании.

Ключевые слова. Кунсткамера, архив, фонд, фото, альбом, Туркестан, народы, ремесла, негатив, иллюстративное собрание.



Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган Археология ва этнография музейи (Кунсткамера) фототўплами XIX аср охири – XX аср бошларида дунёнинг барча минтақаларида истиқомат қилган ва деярли ҳамма халқлар акс этган уникал фотоматериаллар мажмуаси ҳисобланади. Жумладан, фондда Марказий Осиё тарихига оид мавзулар кесимидаги фотосуратлар жамланмаси салмоқли ўринни эгаллайди.

Кунсткамеранинг иллюстрациялар фонди Марказий Осиё ҳудудини ўрганишда қуйидаги гуруҳ материалларини ўз ичига олади: тўпламлар ва бутун альбомлардан иборат расмлар, чизмалар, эстамплар (ганч, гипс, қоғозларга босиб туширилган ёки кўчирилган гравюра, босма расм), ойнали негативлар, фотоплёнкалар, фотосуратлар ва табрик хатлари (откриткалар). Тасвирий хусусиятга эга бўлган ва салмоқли қисми тўлиқ бўлмаган намуналар – 550 та (тахминан 50 минг та) тўпламлардан ташкил топган.

Марказий Осиё халқалари ҳақидаги иллюстратив коллекциялар ичида, А.Куннинг "Туркистон альбоми", Г.Е.Кривцовнинг "Хива хонлиги тоифалари ва қиёфалари" фотоальбоми, В.Козловскийнинг "Ўрта Осиё халқларининг тоифалари", Н.Ордэ, С.М.Дудин, К.В.Шенниковларнинг фототўпламлари, С.М.Дудин, А.Воронина-Уткинанинг миллий нақшлар чизилган расмлари, А.Померанцевнинг акварел бўёғида ишланган катта альбоми ўрин олган.

Марказий Осиё халқлари бўйича иллю-



стратив фонд бир ярим аср мобайнида шаклланган. Дастлабки иллюстратив тўпламлар музейга турли хил йўллар билан келган. Айрим ҳолларда фотосуратлар тасодиф натижасида келиб қолган ёки уларга эгалик қилинган. Баъзи бир тўпламларни музей сотиб олган, шунингдек, шахсий коллекциялар ва ташкилотлардан қисман тухфа сифатида қабул қилинган, кейинчалик экспедиция ишлари натижасида фонд бойитилган.

> Маҳаллий зодагонларни суратга олиш учун ҳамма сураткашларнинг ҳам ҳуқуқи бўлмаган. Масалан, Кунсткамера архив ҳужжатлари ичида ўша даврда ижод қилган фотосуратчининг Бухоро амирини суратга олиш учун Санкт-Петербургда махсус рухсат бериладиган гувохномаси сақланиб қолган

Мавзу жиҳатдан иллюстрациялар фонди турли хил ва уларни қуйидаги шартли гуруҳларга ажратиш мумкин:

- кўриб чиқилаётган ҳудудда истиқомат қилувчи асосий халқлар (ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар) ва кам сонли халқлар (шуганайлар, яғноблар, дунганлар, яхудийлар, лўлилар, уйғурлар ва бошқалар) вакиллари. Маҳаллий аҳоли уларнинг этноижтимоий келиб чиқишини белгилаб берувчи одатий шароитида, миллий либосларида суратга олинган. Фондда хонлар, беклар, уруғлар бошлиқлари, дин намоёндалари, маҳаллий бошқарув вакиллари, ҳунармандлар, маҳаллий театр санъати артистлари, эркакалар, аёллар ва болаларнинг портретлари сақланади;
- аҳолининг хўжалик фаолияти, ҳунарлари, савдо-сотиқ ва маиший ҳаёти билан боғлиқ анъанавий турмуш тарзи ва маданиятини ифодаловчи предметлар;
- ҳудуддаги маиший, тарихий ва маданий ҳодисалар;
- овул ва қишлоқлар, уй-жойлар, транспорт воситалари;
- диний маданият, дин, амалий санъат, миллий накшлар, мусиқа санъатига тааллуқли предметлар ва ҳ.к.

XIX аср охири – XX аср бошларида суратга олинган фотолавҳаларда жамиятдаги бошқарув қатламининг намоёндалари – Бухоро амирлари, Хива хонлари, уларнинг мулозимлари ва оила аъзоларининг байрамона портретлари акс этади. Маҳаллий зодагонларни суратга олиш учун ҳамма сураткашларнинг ҳам ҳуқуқи бўлмаган. Масалан, Кунсткамера архив ҳужжатлари ичида ўша даврда ижод қилган фотосуратчининг Бухоро амирини суратга олиш учун Санкт-Петербургда махсус рухсат бериладиган гувохномаси сақланиб қолган.

1872 йилнинг ёзида фотосуратчи Г.Е. Кривцов Қўқон хонлигида суратга олиш ишлари билан шуғулланишга ҳаракати ва Худоёрхонни "Туркистон альбоми" учун суратга тушириш жараёни газетадаги эълонда [Туркестанские ведомости 1873. №6] изоҳ берилган. Балки бу ҳодиса ўз навбатида ўлкадаги зодагонлар ичида фотосанъатга нисбатан қизиқиш уйғотган бўлиши мумкин. Г.Е.Кривцовнинг машғулоти Худоёрхон ва унинг ўғли Андижон бегини қизиқтириб қўяди. Хоннинг хоҳишига биноан Г.Е.Кривцов Қўқондан фото ишларини ўрганиш учун махсус келган Бердиқулга фотосурат ишлаб чиқариш қўлланмасини тузиб чиқади, фото-аппаратдан фойдаланишни батафсил ўргатади, Қўқон ва Андижонга фото ускунани барча керакли материаллар билан юборади. Орадан уч ой ўтиб Петербургга Г.Е.Кривцов номига хат келади. Хат мазмуни "Кривцов тўра…" сўзлари билан бошланади ва Қўқондаги илк фотосуратчилик тажрибалари амалага оширилганлиги ҳақида сўз боради.

Хон ва унинг ўғли уларга юборилган "одамнинг юзини суратга олувчи машина" учун миннатдорчилик билдиришади ва Бердиқулнинг портрет олишдаги илк уринишлари кўнгилдагидек бўлмаганлигини таъкидлаб ўтади [Туркестанские ведомости 1873. №9].

1874 йилда музей фондига Марказий Осиё халқлари бўйича дастлабки иллюстратив материаллар келиб тушади. Буларга: "Туркистон альбоми" ва "Хива хонлиги тоифалари ва қиёфалари" фотоальбомлари киради. Ушбу альбомлардаги фотосуратлар орқали XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё минтақасида истиқомат қилган халқларнинг сиёсий аҳволи, турмуш тарзи, маданияти ва санъати ҳақида тўлақонлик маълумотлар олиш мумкин.

Масалан, "Туркистон альбоми"да келтирилган "Мусулмон мактаби" мавзусидаги саҳифанинг (колл. И-674-67-71) "Жазолаш" деб номланган фотосурати ифодали саҳналаштириш характерига эга. Айб иш қилган

ўқувчининг оёқларига таёқ боғланган. Ўқитувчи қўлидаги калтак билан айбдорни жазолашга киришмоқда. Лекин, уйнинг деворига қулайгина суяниб олган ва қизиқсиниш билан фотокамера томонга қараб турган ўқувчининг назаридан унинг суратга тушиш учун маълум бир вазиятда (позада) турганлиги сезилади. Ўз навбатида эса мазкур фотосурат маҳаллий мактаблардаги ўқитиш усулининг низомини белгилаб берувчи иллюстрация ҳисобланади.

1924 йилда фотосуратчи С.М.Дудин Кунсткамеранинг фотолабораториясида 250 та “Туркистон альбоми”га тегишли илгари намоён қилинмаган ойнали негативлардан нусхалар олади. Тўпламда антропологик тоифаларнинг негативлари сақланмоқда – буларга, ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, Ўрта Осиёлик яҳудийлар, қорақалпоқлар суратлари киради. Тасвирлар сериясида ўзбек ва тожикларнинг (ҳунармандчилик, тўй, аёлларга оид), қозоқларнинг (тўйга оид), Ўрта Осиёлик яҳудийларнинг (тўйга оид) диний маросимлари акс этган. Кадрларнинг салмоқли қисми кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг анъанавий машғулотларига бағишланган бўлиб, суратларда меҳнат қуроллари, донни қайта ишлаш (янчиш, тегирмон ва уриб янчадиган маҳаллий тегирмонлар конструкциялари) жараёнлари тасвирланган.

Негативларнинг салмоқли қисмида турли хил касблар, ҳунармандчилик турлари ва савдо-сотиқ билан боғлиқ тасвирлар ўрин олган. Ўша даврларда кўплаб бозор расталари устахоналар (саррожлик устахонаси, токарлик устахонаси, темирчилик устахонаси, этикдўзлик устахонаси ва бошқалар) вазифасини бажарган ва уларда бир хил турдаги маҳсулотлар сотилган. Аравасозлик ҳунарига бағишланган бўлимдан ўрин олган суратларда араваларнинг икки тоифаси кўрсатилган: Қўқон ва Бухоро аравалари, шунингдек, уларнинининг таркибий қисмларини йиғиш ва ишлаб чиқариш босқичлари тасвирланган. Тўпламнинг бир қисми қурилиш материали ҳисобланган қамишни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ. Қамишдан уйнинг том қисмини ёпишда, девор тиклашда, маиший ҳаётда истеъмолда бўлган буйра тўқишда кенг фойдаланилган. Тасвирларда кулолнинг тандирларни ва сополдан ясалган уй-рўзғор буюмларини тайёрлаш жараёни кўрсатилган.

Касблар ва ҳунарлар фотосуратлари ичида шамгарлик, совунгарлик, мой ишлаб чиқариш ва новвойлик, бурнаки тамаки, қорамол



терисини қайта ишлаш, темирчилар ва дегрезчилар иш фаолияти, уларнинг маҳсулотларини сотиш жараёни акс этган тасвирлар сақланади. Негатив тўпламларида маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқалган қизил ва сариқ мисдан ясалган метал идишларнинг тасвирлари тақдим этилган. Негативларнинг алоҳида қисми тўқимачилик, ип газламаларнинг тайёрланиши, ипак ишлаб чиқариш, жунни қайта ишлаш ва гиламдўзлик каби аҳолининг анъанавий машғулотларига бағишланган. Тасвирларнинг бир қанчаси халқ театри билан боғлиқ бўлиб, фотосуратларда масхарабозлар труппаси артистлари ва театр кийимлари тасвирланган.

1894 ва 1897 йилларда музей фонди учун Марказий Осиё халқалари мавзусига оид 300 га яқин ноёб фотосуратлар тўплами сотиб олинади. Мавжуд бўлган ҳужжатларга таяниб шуни айтиш мумкинки, мазкур тўплам фотосуратчи Н.Ордэдан қабул қилиб олинган. Н.Ордэ ўз даврида кўп планли композициялар йўналишида ижод қилган ягона фотосуратчи ҳисобланади. Марказий Осиёга бўлган саёҳатларида Ордэ мазмун жиҳатдан такрорланмас ва техник жиҳатдан эса аъло даражада бажарилган фотосуратларни ўзи билан олиб келади.

Н.Ордэнинг Кунсткамерада сақланаётган Бухоро хонлиги мавзусидаги суратлари хонлик манзаралари туширилган илк тасвирлар ҳисобланади. Фотосуратларда миллий кийимлар, уй-жойлар, қишлоқ ва кўчманчи аҳолининг кундалик машғулотлари, кам сонли халқларнинг ҳаёти акс этади. Н.Ордэнинг сериявий фотосуратлари Хива хони, Бухоро амирлари, уларнинг қариндошлари ва мулозимларининг портретларидан ташкил топган. Маълумотларга кўра Ордэ 1880 йилларда Бухорога келади, Бухоро хони ва мулозимларининг ишончига киради ва хонга яқин бўл-

1894 ва 1897 йилларда музей фонди учун Марказий Осиё халқалари мавзусига оид 300 га яқин ноёб фотосуратлар тўплами сотиб олинади. Мавжуд бўлган ҳужжатларга таяниб шуни айтиш мумкинки, мазкур тўплам фотосуратчи Н.Ордэдан қабул қилиб олинган



ганларни, унинг қариндошларини ва Абдуллахадхоннинг ўзини суратга олади.

Фотосуратларнинг бирида Кулжадан келган дунган оиласи миллий либосларда тасвирланади. 1870 йилларда дунганлар Хитойнинг бир нечта провинцияларидан ҳукумат таъқибидан қочиб Марказий Осиё шаҳарларига келиб жойлашишган.

Марказий Осиё аҳолисининг ҳаётини тўлиқ тасаввур қилиш учун Н.Ордэ мавзуларга бирлаштириган предметлардан иборат бир қанча суратлар композициясини яратади. Масалан, “Қурол-яроқ”, “Асбоб-анжом”, “Пойабзал” ва бошқалар. Шу турдаги фотосуратлардан бири “Самарқанд. Сарт болаларининг ўйинчоқлари” деб номланади. Суратда шаҳар болаларининг ўйинчоқлари тасвирланган. Ўйинчоқ ясаш учун махсус усталар бўлмаган, лекин баъзи бир ҳунармандлар (ёғочсозлар, дурадгорлар, кулоллар ва бошқалар) иш орасида ўйинчоқ ясашган. Ўйинчоқларни чакана савдо билан шуғулланувчи савдогарлар сотишган ва баъзида уларнинг ўзлари ҳам ўйинчоқ ясашган.

1917-йилда Дудин Петрограднинг шахсий коллекцияларида сақланаётган Ўрта Осиё гиламлари фототўплами музей фондига келиб тушади. Фотосуратчи тадқим этган суратлар ўзининг масштаблилиги билан ажралиб туради

Кунсткамерадаги Марказий Осиё халқлари бўйича иллюстратив тўпламининг шаклланишида машҳур тўпловчи, фотосуратчи ва рассом С.М.Дудиннинг фаолияти билан билан боғлиқ. 1893-йилда тарихчи В.В.Бартолд билан С.М.Дудин Самарқандга ташриф буюришади. С.М.Дудин Самарқанд шаҳрининг бир нечта суратларини олади ва уларга изоҳлар ёзиб қолдиради.

1905–1917 йиллар оралиғида Дудин музей фондига Қўқон, Андижон ва Самарқанд саройлари ва масжидлари эшикларида ганч ўймакорлиги намуналари акс этган негативларни топширади. Шунингдек, ўзбек, туркман ва афғон гиламлари тасвирланган фосуратларни музейга тақдим этади.

1917-йилда Дудин Петрограднинг шахсий коллекцияларида сақланаётган Ўрта Осиё гиламлари фототўплами музей фондига келиб тушади. Фотосуратчи тадқим этган суратлар ўзининг масштаблилиги билан ажралиб туради. Самарқанднинг тарихий-меъморий обидалари Гўр Амир ва Бибихонимнинг вайрон бўлган кошин ва меъморий қисмлари Дудин томонидан тасвирга туширилади. Фотосуратчи Гўр Амир мақбарасига ўрнатилган ёғоч ўймакорлигининг нафис намуналари билан безатилган эшикни суратга олади. Мазкур шикастланган эшик кейинчалик Петербургга олиб кетилади ва ҳозирда Эрмитаж музейида сақланмоқда.

Бугунги кунда фотографиянинг имкониятларидан барча илмий соҳаларда кенг кўламда фойдаланилмоқда. Олимлар ва тадқиқотчилар, рассомлар, ҳунармандлар фотосуратларга илмий ва амалий мақсадларда мурожаат қилишмоқда. Фотосуратлардан ижтимоий фанларда ва археологияда кенг қўлланилмоқда, қадимий қўлёзмалар ва артефактлардан нусха олиш ва унинг ҳақиқий эканлигини аниқлашда фотосуратларнинг ўрни беқиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.В.А.Прищепова. Иллюстративные коллекции по народам Центральной Азии второй половины XIX – начала XX века в собраниях Кунсткамеры. – СПб.: Наука, 2011.

2.Turkestan in old photos and ceramics. Materials of the exhibition. – М.: ГМВ, 2007.

3.С.Абашин. Неприкосновенный запас. Власть и фотография: визуальная репрезентация в имперской рамке // М.: № 04 (84) 2012.

4.М.Диковицкая. «Туркестанский альбом» (1871-1872 гг.) и «Типы народностей» (1876 г.): о роли российской фотографии в имперском завоевании Средней Азии. Баландинские чтения. 2020. Том XV.

5.Ю.Мамаева. Обследование коллекции фотографий Туркестанского альбома из фондов Российской национальной библиотеки. Фотография. Изображение. Документ. Вып. 5 (5). 2019.

6.Svetlana Gorshenina, Heather S. Sonntag. Early photography as cultural transfer in imperial Russia: visual technology, mobility and modernity in the Caucasus an Central Asia. Khazar journal of Humanities and Social Sciences. DOI: 10.5782/. khjss.201`8.322.344. Special issue, 2018. ■

ОБУНА – 2024

ОБУНА ИНДЕКСИ – 1277

«INFOLIB» АХБОРОТ-КУТУБХОНА ЖУРНАЛИНИНГ ҲУДУДЛАРАРО ОБУНА БАҲОСИ ВА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

ҲУДУДЛАР	ОБУНА БАҲОСИ	ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАР
Қорақалпоғистон Республикаси	332 796 сўм	(361) 222 88 68/63
Андижон вилояти	332 796 сўм	(374) 225 34 53
Бухоро вилояти	332 796 сўм	(365) 221 56 90
Жиззах вилояти	332 796 сўм	(372) 222 40 01
Қашқадарё вилояти	332 796 сўм	(375) 225 40 27
Навоий вилояти	332 796 сўм	(336) 223 26 86
Наманган вилояти	332 796 сўм	(369) 239 10 88
Самарқанд вилояти	332 796 сўм	(366) 234 22 53
Сирдарё вилояти	332 796 сўм	(367) 225 11 22
Сурхондарё вилояти	332 796 сўм	(376) 223 60 98
Тошкент вилояти	319 820 сўм	(371) 223 13 04
Фарғона вилояти	332 796 сўм	(373) 244 50 78
Хоразм вилояти	332 796 сўм	(362) 227 37 69
Тошкент шаҳри	312 804 сўм	(371) 233 75 49

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ ФОНДИГА КЕЛИБ ТУШГАН ЯНГИ НАШРЛАР







КЕЛГУСИ СОНДА:

НАРОДНАЯ ДИПЛОМАТИЯ КАК ИНСТРУМЕНТ УКРЕПЛЕНИЯ «ШАНХАЙСКОГО ДУХА»

УСПЕШНЫЙ ПОДХОД К БИБЛИОГРАФИИ ИЗДАНИИ ПО ИСТОРИИ ДРЕВНЕГО ГОРОДА УЗБЕКИСТАНА

КУТУБХОНА – МИЛЛАТ ҚУЁШИ.
ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИ НУРАЛИ ҚОБИЛ БИЛАН СУҲБАТ.

МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИЛИК ДАРАЖАЛАРИ ВА УНИ ШАХСНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИНИНГ БОШҚАРУВИ ЁҲУД МЕНЕЖМЕНТИ



Шокиржон Рустамхўжаев, бобуршунос

Шухрат Ҳайитов, адабиётшунос

Рухшона Расулова "Баҳор" ансамбли раққосаси